

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МЕНЕЖМЕНТ ФАКУЛТЕТИ  
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИ БОШҚАРИШ ВА ЮРИТИШ  
ТАЪЛИМ ЙЎНАЛИШИ**

***Қишлоқ хўжалигида менежмент кафедраси***

« Т А С Д И Қ Л А Й М А Н »

факултет декани \_\_\_\_\_

и.ф.н., доцент. Х.Комолов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016-йил

«Химояга рухсат этаман»

кафедра мудир \_\_\_\_\_

и.ф.н., доцент. О.Махмудов

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2016-йил

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим  
йўналишининг битирувчиси Дадабоев Шерзодбекнинг**

***БИТИРУВ  
МАЛАКАВИЙ ИШИ***

**Мавзу: Избоскан туманидаги “Избоскан хирмони барака” фермер  
хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг ривожлантириш  
истикболлари**

БМИ раҳбари:

*Маслаҳатчи и.ф.н.доцент*

Бажарувчи:

*А.Саримсақов*

*О.Махмудов*

*Ш.Дадабоев*

Андижон - 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ  
АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ  
ИҚТИСОДИЁТ ВА БОШҚАРУВ ФАКУЛТЕТИ  
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИ ВА БОШҚАРУВ  
КАФЕДРАСИ**

**“Т А С Д И Қ Л А Й М А Н”**  
**Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва**  
**бошқарув кафедрасининг мудири**  
**О.Шерматов \_\_\_\_\_**  
**«\_\_»\_\_\_\_\_2015 й.**

**Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш таълим йўналишининг**  
**битирувчиси Дадабоев Шерзодбекга битирув малакавий ишини бажариш**  
**учун**

# ТОПШИРИҚ

- 1. Битирув малакавий ишининг мавзуси:** *Институт ректорининг 2015-йил 18-сентябрдаги № 240- Ст(А) буйруғи билан тасдиқланган.*
- 2. БМИнинг мавзуси:** *Избоскан туманидаги “Избоскан хирмони барака” фермер хўжалигида меҳнат унумдорлигини оширишнинг ривожлантириши истиқболлари .*
- 3. Битирув малакавий ишни тугатиш вақти** « 16 » май 2016 йил.
- 4. Битирув малакавий ишнинг асосий бўлимлари.** *БМИ кириши, асосий қисм, хулоса ва таклифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.*
- 5. Битирув малакавий ишни бажариш учун керакли маълумотлар.** *Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни ўтказишга оид бўлган қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, И.А.Каримов асарлари, мавзуга оид махсус адабиётлар, ҳамда Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллар учун бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва мавзуга оид бўлган бошқа маълумотлари.*
- 6. Битирув малакавий ишда фойдаланиладиган жадваллар.** *Битирув малакавий ишида мавзунинг моҳиятини ёритишга ёрдам берадиган 8-10 та*

*жасдалларни тузилиши кўзда тутилган бўлиб, улардан 3 таси бевосита ҳимоя жараёнида фойдаланилади.*

| <b>Битирув малакавий ишнинг асосий саволлари</b>                                                                                                     | <b>БМИни Рахбари</b>            | <b>Бажарилиш муддати</b> | <b>Имзо</b> |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------|--------------------------|-------------|
| <i>Кириш</i>                                                                                                                                         | <i>А.Саримсақов</i><br><i>в</i> | <i>21,12,2015й</i>       |             |
| <b>1-Боб: Фермер хўжалигини ривожлантиришда янги техника ва илгор технологияларни назарий тушунсаси</b>                                              |                                 |                          |             |
| <b>1.1.</b> Фермер хўжалигини ривожлантиришда техника ва технологияларни ўрни ва ахамияти.                                                           | <i>А.Саримсақов</i><br><i>в</i> | <i>30,01,2016й</i>       |             |
| <b>1.2.</b> Пахта ва галла етиштиришда янги технологияларни қўллаш иқтисодий самарадорлик ошириш омиллари                                            | <i>А.Саримсақов</i><br><i>в</i> | <i>20,02,2016й</i>       |             |
| <b>2-Боб: Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг уммий таснифи ва иқтисодий кўрсаткичлари</b>                                                   |                                 |                          |             |
| <b>2.1.</b> Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари.                                             | <i>А.Саримсақов</i>             | <i>31,02,2016й</i>       |             |
| <b>2.2.</b> Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.                                         | <i>А.Саримсақов</i>             | <i>14,03,2016й</i>       |             |
| <b>2.3.</b> Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида самарали агротехнологияларни қўллаш.                                       | <i>Х.Турсунов</i>               | <i>20.03.2016</i>        |             |
| <b>3-Боб: Избоскан хирмони барака фермер хўжаликида янги техника ва илгор технологияларни жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари</b> |                                 |                          |             |
| <b>3.2.</b> Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологиялардан самарали фойдаланиш омилари.                                             | <i>А.Саримсақов</i>             | <i>25,03,2016й</i>       |             |
| <b>3.2.</b> Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологиядан самарали фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш.                 | <i>А.Саримсақов</i>             | <i>10,04,2016й</i>       |             |
| <i>Хулоса ва таклифлар.</i>                                                                                                                          | <i>А.Саримсақов</i>             | <i>1,05,2016й</i>        |             |
| <i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>                                                                                                                     | <i>А.Саримсақов</i>             | <i>16.05.2016й</i>       |             |

**Топшириқ берилган вақти:**  
**БМИ рахбари:**  
**Битирувчи:**

**18-сентябр 2015-йил**  
**А.Саримсақов**  
**Ш.Дадабоев**

## **М у н ɔ а р и ж а**

| <b>№</b>                                                                                                                                             | <b>Мазмуни</b>                                                                                                                  | <b>Бетлар</b> |
|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|---------------|
|                                                                                                                                                      | <i>Кириш</i>                                                                                                                    |               |
| <b>1-Боб: Фермер хўжалигини ривожлантиришида янги техника ва илгор технологияларни назарий тушунсаси</b>                                             |                                                                                                                                 |               |
| 1.1                                                                                                                                                  | <i>Фермер хўжалигини ривожлантиришида техника ва илгор технологияларни ўрни ва аҳамияти.</i>                                    |               |
| 1.2                                                                                                                                                  | <i>Пахта ва галла етиштиришида янги технологияларни қўллаш иқтисодий самарадорлик ошириш омиллари</i>                           |               |
| <b>2-Боб: Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг уммий таснифи ва иқтисодий кўрсаткичлари</b>                                                   |                                                                                                                                 |               |
| 2.1                                                                                                                                                  | <i>Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги нинг табиий-иқтисодий шароитлари.</i>                            |               |
| 2.2                                                                                                                                                  | <i>Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги нинг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили.</i>                        |               |
| 2.3                                                                                                                                                  | <i>Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида самарали агротехнологияларни қўллаш.</i>                       |               |
| <b>3-Боб: Избоскан хирмони барака фермер хўжаликида янги техника ва илгор технологияларни жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари</b> |                                                                                                                                 |               |
| 3.1                                                                                                                                                  | <i>Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологиялардан самарали фойдаланиш омилари.</i>                             |               |
| 3.2                                                                                                                                                  | <i>Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологиядан самарали фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш.</i> |               |
|                                                                                                                                                      | <i>Хулоса ва таклифлар.</i>                                                                                                     |               |
|                                                                                                                                                      | <i>Фойдаланилган адабиётлар.</i>                                                                                                |               |

## КИРИШ

**Мавзунинг долзарблиги.** Республикамиз мустақилликни қўлга киритганидан бошлаб Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан узоқни кўзлаб амалга ошириб келинаётган ислохотлар замирида аввало инсон манфаати мужассам эдики, буни бугун бошқа соҳалар каби қишлоқ хўжалигида ҳам кўриб турибмиз. Ўтган давр мобайнида давлат бош ислохотчи тамойилига амал қилинган ҳолда жорий этилаётган ислохот ислохот учун эмас, инсон учун деган мантиқ асосида соҳада тубдан ўзгаришлар амалга оширилди.

Ҳозирги даврда республика ҳукумати аграр сиёсатининг стратегик йўналишларини ҳамда тактикасини белгилаб, уни таъминлаш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Ҳукуматнинг асосий эътибори қишлоқ хўжалигининг барча соҳалари ягона фан-техника сиёсатига асосланган ҳолда ривожланишини таъминлашга қаратилган. Бу ниҳоятда муҳим муаммо ҳисобланади. Чунки фақат илм-фан, янги, самарали техника ҳамда илғор технология, инновациялар барча ютуқларнинг асосий негизидир. Бу муаммони ҳал этиш мақсадида республика ҳукумати қишлоқ хўжалигида давлат хўжаликларини сақлаб, уларнинг фаолиятларини диверсификация қилиб ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқда. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалигида давлат илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг янги маркази ташкил этилган. Марказ таркибида илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда давлат хўжаликлари мавжуд. 2014 йилнинг бошига марказ таркибида 100дан ортиқ давлат хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. ерни ўзининг ҳақиқий эгасига – деҳқонга хусусий мулк шаклида топшириш йўналиши бўйича қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар ўзининг мантикий поёнига етган ,ҳозирги кунда 66миндан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда.Таъкидлаш мумкинки, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва қишлоқ хўжалигида бозор инфратузилмаси шохобчаларини ташкил этиш жараёни дастурда режалаштирилганига қараганда анча тез амалга оширилди. Республика

қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш унинг қайта ишлаш жараёнида иқтисодий самарадорликни талаб даражасида мунтазам ошириб бориш энг долзарб вазифалардан ҳисобланиб бу мақсадни муваффақиятли ҳал этиш янги технологиялардан самарали фойдаланиш асосида маҳсулот етиштириш бевосита боғлиқдир. Ушбу қоида айниқса ҳозирги шароитда янада долзарб бўлиб бормоқда. Мамлакатимиздаги жами ҳайдаладиган ерларнинг 85 фоиздан ортиғи, етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий қисми айнан фермерлар ҳиссасига тўғри келмоқда. Фермерларимизнинг онгу тафаккурида ўз ери ва ишлаб чиқараётган маҳсулотига нисбатан эгалик ҳиссиёти йилдан-йилга тобора мустаҳкамланиб, уларнинг ўз меҳнати натижасидан манфаатдорлиги ошиб бормоқда. Сўнгги йилларда қабул қилинган қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар фермер хўжаликлари ваколатларини сезиларли равишда кенгайтди. Қишлоқ хўжалигида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг асосий йўлларида бири бу ишлаб чиқаришни жадал усулда ривожлантиришдир. Ҳозирги кунда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш учун уларни иқтисодий жihatдан бақувват қишлоқ хўжалик корхонасига айлантириш даркор. Бу соҳадаги ишлар қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда, дунёнинг кўплаб мамлакатларида давлат қарзининг ортиб бориши билан боғлиқ муаммолар сақланиб қолаётган бир шароитда, Ўзбекистонимиз четдан қарз олиш бўйича пухта ўйланган сиёсат олиб бориши натижасида давлатимиз қарз ҳажмининг улушини нисбатан паст даражада ушлаб қолишга ва ўз мажбуриятларига тўлиқ жавоб берадиган мамлакат сифатида барқарор обрў-еътиборини сақлаб қолишга эришди.

Фермер ва деҳқон хўжаликлари хусусий мулкчиликка асосланган хусусий тадбиркорликнинг шакллари ҳисобланиб улар ўзларининг ижтимоий иқтисодий моҳияти жихатидан бир биридан фарқ қилмайдилар. Улар ўртасидаги барча тафовутлар охир-оқибат уларга бириктириладиган ер участкаларининг юқори даражаси белгиланган бўлса, фермер хўжаликлари

аксинча, уларниг кўйи даражаси чекланган. Демак, истиқбол фермер хўжаликларини ривожланиши учун амалдаги ҳуқуқий меъёрий хужатлар асосида кенг йўл билан берилган.

Кишлоқ хўжалигини жадал ривожлантиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ер моддий техника ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳамда майиший ва иқтисодий шароитларини тўла ҳисобга олишни талаб қилади. Назарий жиҳатидан ҳар қандай капитални кўйиш мумкин, лекин бу ўз-ўзидан маълумки, бу мамлакатда шу пайитда барча шароитлар, яъни иқтисодий, техникавий, маданий ва бошқалар мавжуд бўлишига боғлиқ. Кишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарифланадиган харажатлар оқилона сарифланиш керакки, бунда хўжалик ҳар бир-бирлик харажатга кўпроқ маҳсулот ва максимум фойда олиш керак.

Қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла ва пахта хом ашёси етиштириш харажатларини молиялаштириш мақсадларига жорий йилнинг 1 июл ҳолатига кўра, банкларимиз томонидан 2 трлн. сўмдан зиёд кредитлар имтиёзли шартлар асосида йиллик 3 фоиз ставкада ажратилди. Йил якуни ҳисоботларини маълумотларига кўра деҳқон ва фермерларимизнинг фидокорона меҳнати билан мисли кўрилмаган натижаларга эришилди – мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тарихида илк бор 8 миллион 50 минг тонна ғалла етиштирилди. Шунингдек, фермер хўжаликларига, агрофирмалар ва бошқа тадбиркорлик субъектларига иссиқхоналар ташкил этиш ва томчилаб суғориш тизимини жорий этиш учун имтиёзли фоиз ставкаси бўйича банк кредитлари ажратилиб келинмоқда. Республикамизда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган туб ислохот ва ўзгаришлар натижасида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2 баробардан зиёд ошди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган гўшт истеъмоли 1,3 баробар, сут ва сут маҳсулотлари 1,6 карра, картошка 1,7 баробар, сабзавотларни 2 мартадан зиёд, меваларни қарийб 4 баробар ошди. Республикамизда ҳар йили 16 миллион тоннага яқин мева ва сабзавот етиштирилмоқда. Аҳоли жон бошига



деярли 300 килограмм сабзавот, 75 килограмм картошка ва 44 килограмм узум тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич оптимал деб ҳисобланадиган истеъмол меъёридан уч баробар кўп бўлиб, БМТнинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти бош директори Жозе Грациану да Силванинг фикрига кўра, Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, айниқса, мева ва сабзавотлар ҳажмининг ортиши бошқа мамлакатлардаги озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши мумкин. Юқорида келтирилган маълумотлардан хулоса қилинганда, биз танлаган мавзу ҳозирги кунда илмий ва амалий тадқиқотларни талаб қилувчи долзарб масала ҳисобланади.

**Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифалари.** Битирув малакавий ишининг асосий мақсади фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг аҳамиятини асослаш ва Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги техника ва илғор технологиялардан самарали жориетиш фойдаланиш омиллари бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқишдир. Асосий мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишида қуйидаги асосий вазифалар режалаштирилган:

1. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида фермер хўжалигининг аграр иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамиятини асослаш.

2. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологияларни қўллаш фаолиятини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

3. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини оширишда технологияларни қўллаш омилларини таҳлил қилиб, бу бўйича фикр-мулоҳазаларни, хулосаларни ва таклифларни ишлаб чиқиш.

**Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти.** Битирув малакавий ишида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан, қилинган хулосалардан ва берилган таклифлардан Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака

фермер хўжалигида хўжалигида янги техника ва илгор технологияларни қўллаш орқали пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин. БМИ да билдирилган фикр-мулоҳазалардан бундан ташқари ушбу ҳудудда жойлашган ва ихтисослиги мос келадиган бошқа фермер хўжаликларида ҳам фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркиби.** Битирув малакавий иши кириш, асосий қисм, хулоса ва тақлифлар ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Битирув малакавий ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги асосланиб, битирув малакавий ишини мақсади, вазифалари ва унинг таркиби асосланган. Битирув малакавий иши асосан 3та боб, 7та саволлардан иборат бўлиб, уларда ўқув ва илмий адабиётлар шарҳи, пахтачилик тармоғини ривожлантиришнинг илмий назарий асослари келтирилиб, Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологияларни самарали қўллашни пахта етиштиришда иқтисодий самарадорлигини ошириш масалалари ўрганилиб, таҳлил этилган. Ишнинг хулоса қисмида бўйича Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигидаги янги технологиялардан самарали фойдаланиш омилларидан фойдаланиш бўйича фикр-мулоҳазалар ва тақлифлар ишлаб чиқилган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатига мавзуга оид бўлган қонунлар, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда И.А.Каримов асарлари, махсус ўқув ва илмий адабиётлар, фермер хўжалигининг охириги уч йиллик ҳисоботлари ва фермер хўжалигининг бизнес режалари киритилган.

Битирув малакавий иши --- бетни ташкил этади. Битирув малакавий ишини ёритишда --- та жадваллар ва --- та чизмадан фойдаланилди.

## **1-боб: Фермер хўжалигини ривожлантиришда янги техника ва илғор технологияларни назарий тушунсаси**

### **1.1. Фермер хўжалигини ривожлантиришда техника ва технологияларни ўрни ва аҳамияти.**

Республикамиз ўтган 2014-йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларини ҳисоботларига кўра ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши 6,9 фоиз, капитал қурилиш 10,9 фоиз, чакана савдо айланмаси ҳажми 14,3 фоизга ошди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр товарлар ташкил этди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2014-йилда 9,4 фоиз, шу жумладан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 8,7 фоиз, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 10 фоизга ўсди. Инфляция даражаси йил якунлари бўйича 6,1 фоизни ташкил этди. Ўтган йили солиқ юки 20,5 фоиздан 20 фоизга, даромад солиғи ставкаси эса 9 фоиздан 8 фоизга камайтирилган бўлса-да, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз профицит билан бажарилди. Банк тизимидаги ислохотлар иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда энг муҳим омил бўлганлиги натижасида тижорат банкларининг жами капитали 25 фоизга ошди. Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми 2013-йилга нисбатан 1,2 баробар, айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар эса 1,3-мартадан зиёд ошди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгрок жалб қилишни йўлга қўйишга қаратилган. Қишлоқ хўжалигини устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини

мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Бу ўринда таъкидлаш керакки, фан ривожланиши натижасида шу давргача бўлмаган мутлақо янги фан – «Моддий-техника ресурслари» ҳам яратилиши мумкин. Бу жараён фан-техника инқилобидан далолат беради. Демак, фан-техника тараққиёти инқилоби - интеллектуал онг ривожланишининг маҳсулидир. Бунинг учун интеллектуалларни тайёрлайдиган таълим, ихтирочилик тизимини янги босқичга кўтариш тақазо этилади. Улар қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган қулай ва самарали машина, трактор, механизм, ускуналар яратилишини, мавжудлари такомиллаштирилишини, серҳосил, тезпишар экин навлари, сермахсул чорва зотлари, илғор технологияларни яратадиган фанларнинг, фан-техника, технология ривожланишини таъминлайди. Натижада моддий-техника ресурсларининг миқдори ошади, сифати яхшиланади.

- Бу жараёни республикамиз мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, фан-техникани тараққий эттириш йўлидан борилаётган Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати корхоналарида янги, сифатли ҳайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта терадиган машиналар, кимё саноатида полиэтилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида самарали, илғор технологиялар жорий этилишини таъминлайди.

- Фан-техника тараққиётининг асосий мақсади янги, самарали қишлоқ хўжалик техникаларини, экологик талабларга жавоб берадиган кимёвий воситаларни, янги навларни, зотларни яратиш, мавжуд воситаларни

такомиллаштириш, меҳнатнинг характериini ўзгартириб, унинг унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар миқдорини кўпайтириш, сифатини яхшилаш, уларни қайта ишлаб, истеъмолчиларга етказиб бериш орқали аҳоли, корхоналар ва ниҳоят, давлатнинг иқтисодиётини юксалтиришдир.

Қишлоқ хўжалиги тармоғида муҳим ижобий натижалар қўлга киритилиб, деҳқон ва фермер хўжаликлари мардонавор меҳнати, замонавий агротехнологияларни жорий этиш ҳисобидан 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта, 8 миллион 50 минг тонналик юксак ғалла хирмони бунёд этилди.

Шу билан бирга ўтган даврда 1 миллион 700 минг гектар суғориладиган ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Бу жами экин экиладиган майдонларнинг ярмидан зиёди демакдир. Ана шундай ишлар туфайли сизот сувлари энг оғир даражада, яъни, 2 метргача юзада жойлашган ерлар қарийб 500 минг гектарга ёки учдан бирига камайди, кучли ва ўртача шўрланган ерлар эса 100 минг гектарга ёки 12 фоизга қисқарди. Мелиорация тадбирлари амалга оширилган экин майдонларида пахта ҳосилдорлиги гектарига ўртача 2-3 центнер, бошоқли дон экинлари бўйича эса 3-4 центнерга ошгани бу борада эришган энг муҳим натижамиздир. Агарки бу рақамларни гектарларга кўпайтирадиган бўлсак, амалга оширган ишларимизнинг самараси янада яққол намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигини таркибий ўзгартириш ҳақида сўз юритганда, аввало, пахта экиладиган ерларни оптималлаштириш ва бошоқли дон экинлари, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик учун ажратилган майдонларни кенгайтириш ҳисобидан экин майдонлари таркибида ўзгаришлар амалга оширилганини қайд этиш жоиз. Тўпланган тажрибалар шуни кўрсатадики пахта-ғалла йўналишидаги фермер хўжаликлари ҳеч бўлмаганда чопиқ техникаси, яъни ТТЗ, МТЗ ва бошқа русумдаги чопиқ техника воситаларига эга бўлмасдан технолгик мустақилликка эришишлари

мумкин эмас. Амалдаги меъёрларга асосан ТТЗ ва МТЗ русумдаги 1 та чопик тракторининг қуввати суғориш картасининг ҳолатига қараб камида 50 гектар пахта майдонига ишлов беришга етади. Агар чопик тракторига белгиланган меъёр ошиб кеца фермер хўжалигида пахта етиштириш бўйича технологик харитада белгиланган агротехник чора-тадбирларни ўз вақтида ва самарали ўтказиш имконияти яратилмайди. Аксинча меъёрдан кескин озайиб кеца маҳсулот бирлигига тўғри келадиган техника харажатлари асоссиз кўтарилиб пахта таннархини ошишига олиб келади. Ўтган йилда амалга оширилган бу каби ўзгариш ва ислохотлар жорий ва келгуси йилларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг самарадорлигининг ошиши ҳамда унинг тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатишига ишончли замин яратди. Хулоса қилиб айтилганда фермер хўжаликларини моддий-техника базаларини мустаҳкамлаш асосида уларни техник-технологик мустақилликларини тўла таъминлаш чора-тадбирларини кўриш лозим. Шу билан бирга мажуд техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

## **1.2.Пахта ва ғалла етиштиришда янги технологияларни қўллаш иқтисодий самарадорлик ошириш омиллари**

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ҳар қандай ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали ишлашини таъминлаш энг аввало унинг амалдаги ҳолати ва фаолиятини тугри ва аниқ баҳолаб тегишли ҳулосаларга эга бўлиш, шу асосда тегишли чораларни белгилаш талаб этилади. Қишлоқ хўжалигини устувор даражада ривожлантириш учун унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш керак. Тармоқнинг моддий-техника ресурслари шакллантирилиши, ривожлантирилиши, улардан самарали фойдаланиш масалалари фан-техника тараққиётига ва унинг даражасига бевосита боғлиқ. Фан-техника тараққиёти деганда, қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган барча фанларнинг ривожланиши, тараққий топиши, билимли, малакали кадрлар тайёрланиши натижасида самарали янги техникалар яратилиши, мавжудлари эса такомиллаштирилишини назарда тутиш лозим. Республикамиз Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги учун қишлоқ хўжалик машинасозлик саноати корхоналарида янги, сифатли ҳайдов, ишлов берувчи тракторлар, пахта терадиган машиналар, кимё саноатида полиетилен қувурлар, плёнкалар ишлаб чиқарилмоқда. Ёмғирлатиб, тупроқ остидан, томчилатиб суғориш учун янги самарали техникалар барпо этилмоқда. Бу ҳол қишлоқ хўжалигида самарали, илғор технологиялар жорий этилишини таъминлайди.

Фан-техника тараққиётининг шу йўналишлари бўйича тадбирларни амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган моддий-техника ресурсларини яратиш, мавжудларини эса такомиллаштириш таъминланади.

Фан-техника тараққиёти натижасида яратиладиган моддий-техника ресурслари қишлоқ хўжалигида янги, самарали технология вужудга келиши, бу жараён ривожлантирилишини таъминлайди. Бу технологиялар иш жараёнларининг белгиланган муддатда, сифатли бажарилишига, меҳнат унумдорлиги ошишига ва харажатлар камайишига олиб келади. Ҳозирги вақтда пахтачиликда «Андижон технологияси» яратилиб, республикада кенг

кўламда жорий этилмоқда. Бу усулда чигит аввалдан олиб қўйилган пушталарга республикада ишлаб чиқарилаётган (дастлабки йилларда у Хитой республикасидан валютага олиб келинар эди) плёнка остига экилмоқда.

Натижада тупроқ намлиги ва ҳарорат сақланиб, чигитнинг тез униб чиқишига эришилмоқда. Плёнкалардан фойдаланиш пуштада бегона ўтлар пайдо бўлишини кечиктиради. Бу ҳол биринчидан, ғўза яганасини ҳамда бегона ўтларни йўқотиш ишларини камайтириш, иккинчидан, сув сарфини қисқартириш имконини бермоқда.

Чигитни плёнка остига экиш натижасида пахта ҳосилининг эрта пишиши ҳамда уни қисқа муддатда юқори навларда териб олиш таъминланмоқда. Шу туфайли Андижон вилоятида пахта ҳосилдорлиги 2013-2015 йилларда ўртача 30 центнерни ташкил этди. Бу, республикада юқори кўрсаткичдир. Бу натижалар илғор технологиянинг афзалликларини бот-бот исботламоқда.

Бу ўринда таъкидлаш керакки, янги технологияни қўллаш учун шарт-шароит яратиш, уни амалга ошириш жараёнида айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, чигит экиш сеялкалари технология талаблари даражасида такомиллаштирилмаган. Пуштага ёпилган плёнка вақтида, тўлиқ йиғиштириб олинмай, далаларда қолиб кетаётгани туфайли тупроқнинг ҳолатига ҳамда айрим бажариладиган ишларга салбий таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги даврда уларни бартараф этиш борасида илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда ва бу каби камчиликлар чигит плёнка остига экиладиган далаларни экишга тайёрлаш, экиш ва ундан кейинги амалларни бажариш жараёнида ҳам кузатилмоқда. Ёўзаларни суғоришда «Исроил технологияси» ҳам жорий этилмоқда. Бу технологиянинг асосий мақсади сувни тежашга қаратилган. Шу усулдан фойдаланиш натижасида 1 га пахта майдонига 4-5 марта кам сув сарфлаш таъминланади.

Фермер хўжалигидаги техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш учун қуйидаги айрим кўрсаткичларга эътиборни қаратиш натижасида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларга эришилади.



Бунинг учун эса қатор самарадорлик кўрсаткичлари ва иқтисодий баҳолаш услублари ҳақида аниқ қуникмаларга эга бўлиш зарурияти тугилади.

Иқтисодий самарадорликни ошириш борасидаги тадқиқотлар умумиқтисодий муаммо сифатида мамлакатимизнинг қатор назариётчи ва амалиётчи олимлари томонидан тадқиқ этилган.

Иқтисодий самарадорлик тушунчаси самарадорлик тушунчасига нисбатан кенгроқ мазмунга эга. Иқтисодий самарадорлик деганда бир йил давомида (маълум даврда) амалга оширилган тадбирлар билан боғлиқ бўлган харажатлар, улар натижасида олинган соф фойда сўммаси билан таққосланади. Шунда сарфланган харажатлар эвазига олинган соф фойда сўммаси қанча кўп бўлса иқтисодий самарадорлик даражаси шунча ошган ҳисобланади ва аксинча. Самарадорликни эса у ёки бу тадбирларни, ишларни, маҳсулотларни етиштириш натижасида эришилган ютуқлар ифодалайди». (А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. –Т.:2004).

Янги техникалардан, технологиялардан фойдаланиш натижасида меҳнат, маблағ харажатлари тежалиши таъминланади. Унинг даражасини аниқлаш учун янги техника, технология жорий этилмасдан аввал қилинган харажатлардан улар жорий этилганидан сўнг қилинган харажатлар миқдори, суммаси айрилиб, аниқланган рақам дастлабки харажатларга тақсимланади ва 100 фоизга кўпайтирилади. Уларни қуйидаги формулалар ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$X_T = \frac{X_1 - X_2}{X_1} * 100\%$$

Бунда:  $X_T$  – тежалган харажат;

$X_1$  - янги техника, технология жорий этилмасдан олдинги харажатлар (сўм);

$X_2$  - янги техника, технология жорий этилгандан сўнги харажатлар (сўм).

Юқорида таъкидланган кўрсаткичлар билан биргаликда фермер хўжаликлардаги мавжуд моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш даражаси ва самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун аввало, машина-трактор ҳамда автомашиналар паркидан фойдаланиш коэффициенти аниқланади. Буни ҳисоблаш учун хўжаликда фойдаланилган машина-тракторлар миқдорини унда мавжуд бўлган машина-тракторлар миқдорига тақсимлаш лозим. Уни қуйидаги формула ёрдамида аниқлаш мумкин:

$$\text{МТПФ}_k = \frac{F_s}{M_s},$$

Бунда:

МТПФ<sub>к</sub> – машина-трактор паркидан фойдаланиш коэффициенти.

Ф<sub>с</sub> - фойдаланилган машина-тракторларнинг сони (дона).

М<sub>с</sub> - мавжуд бўлган машина-тракторларнинг сони (дона).

Шу билан бирга техника ва технологияларни ишлаб чиқариш жараёнига қатнашиш даражасини, машина-тракторлар ҳамда комбайнларнинг ишлаб чиқариш жараёнида қатнашганлик даражаси ҳам аниқланади. Уни жами ишлаган машина кунлари сонини ишлаган машиналар сонига тақсимлаш натижасида аниқланади. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$\overline{M}_k = \frac{\sum M_k}{M_s}; \quad \overline{T}_k = \frac{\sum T_k}{T_s}; \quad \overline{K}_k = \frac{\sum K_k}{K_s}.$$

Бунда:

$\overline{M}_k$  - битта машинанинг 1 ойда, мавсумда, йилда ишлаган (қатнашган) ўртача кун;

$\sum M_k$  - жами ишлаган машина кунлари;

$\sum T_k$  - жами ишлаган трактор кунлари;

$\sum K_k$  - комбайнларнинг ишлаган жами кунлари;

$M_c$ -ишлаган машиналари сони;

$\Sigma$ - ишлаган тракторлар;

$K_c$ - ишлаган комбайнлар сони.

Бу кўрсаткич ёрдамида хўжаликда 1 трактор, комбайн ёки машина йил давомида неча машина-кун ишлаганлиги аниқланади. Бу кўрсаткичнинг миқдори юқорига интилиши қонуний ҳисобланади.

Шу билан биргаликда ўртача ва алоҳида ҳар бир машина-трактордан, юк машинасидан, дон комбайни, пахта терувчи машинадан фойдаланиш даражаси ҳам аниқланади. Уни аниқлаш учун машиналар ( $t_{\text{Гкм}}$ ), тракторлар (ет.га), комбайнлар (гектар, тонна) ёрдамида алоҳида-алоҳида жами бажарилган иш ҳажмини шу ишларни бажаришда қатнашган, юқорида кўрсатилган техникаларнинг ўртача сонига тақсимланади. Бунда қуйидаги формуладан фойдаланиш мумкин:

$$TMK_{\text{и}} = \frac{T_{\text{и}}}{T_c} ; \frac{M_{\text{и}}}{M_c} ; \frac{K_{\text{и}}}{K_c} ,$$

Бунда:

$TMK_{\text{и}}$  – трактор, машиналарнинг ўртача бажарган иши (1 сменада, 1 кунда, мавсумда, 1 йилда эталон гектарда, тонна\км, тоннада, гектарда).

$\Sigma T_{\text{и}}, M_{\text{и}}, K_{\text{и}}$  –тракторлар, машиналар, комбайнлар ёрдамида бажарилган жами иш ҳажми (еталон гектарда, тонна-километрда, тоннада);

$\Sigma \Sigma \text{ Ц, } M_c, K_c$  – шу ишларни бажаришда қатнашган тракторлар, машиналар, комбайнларнинг ўртача сони (дона).

$\Sigma$  Бу кўрсаткичлар ёрдамида, масалан, 1 та трактор маълум муддатда бажарган иш миқдори аниқланади. Унинг миқдори юқори бўлгани яхши. Моддий-техника ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги ҳам аниқланади. Масалан, 1 эт. гектарнинг, 1 тонна км,

1 киловат соатнинг таннархи ҳисобланади. Улар қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$EG_{TH} = \frac{\sum Mx}{\sum ET_{\Sigma a}};$$

Бунда:  $EG_{TH}$ -1 эталон га. таннархи (сўмда);

$\sum Mx$  – механизация ёрдамида бажарилган ишларга қилинган жами харажат (минг сум);

$\sum ET_{\Sigma a}$  -жами бажарилган иш ҳажми (еталон га).

Янги техника-технологияларга қилинган инвестицияларнинг самарадорлиги ҳам аниқланади. Бунинг учун уларни жорий этиш туфайли тежалган харажатлар натижасида қўшимча олинган соф даромад суммасини уларга қилинган инвестициялар суммасига тақсимлаш лозим. Юқорида кўрсатилган кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаб, моддий-техника ресурслари ҳолати, даражаси, самарадорлиги аниқланиб, чуқур таҳлил қилинади. Натижада уларга таъсир этган омиллар аниқланиб, келажакда уларни яхшилаш чора-тадбирлари белгиланади. Хулоса қилиб айтганда, жаҳон молиявий иқтисодий инқироzi шароитида фермер хўжаликларида пахта ва ғалла етиштиришда техника ва технологиялардан самарали фойдаланиш иқтисодий самандорлигини бевосита оширишга хизмат қилади.

## **2-боб: Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг уммий таснифи ва иқтисодий кўрсаткичлари**

### **2.1. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг табиий-иқтисодий шароитлари**

Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги Андижон вилояти, Избоскан туманидаги Мойгир КФЙ Моғир қи

шлоғида жойлашган. Избоскан тумани ҳокимининг 2006 йил 6 январдаги 21-к қарори билан фаолиятини бошлаган.

Избоскан туманидаги ширкат хўжалиги бутунлай тугатилиши жараёнида 2006 йилда тендерда қатнашиб, ғолиб сифатида 65,1 гектар ерни узок муддатли (50 йилга) ижарага олган ҳолда пахта ва ғалла етиштириш бўйича фаолият кўрсатмоқда.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги Андижон вилояти марказидан 15 км, туман марказидан 6 км ва Андижон-Пойтуғ асфалт йўлининг бўйида жойлашган. Шунингдек пахтани қайта ишлаш ҳиссадорлик жамиятидан 2 км, Избоскан дон маҳсулотлари ҳудудий уюшмасидан 6 км узоқликда жойлашган. Шимолий томондан Узокжон нихоллари фермер хўжалиги билан, жануб томондан Журавой орзу фермер хўжалиги билан, ғарб томондан Тиллабоев оқшоми фермер хўжалиги билан, шарқ томондан Мойгир Адаҳамжон фермер хўжалиги билан чегарадош ҳисобланади.

Банкдаги ҳисоб рақами – Агробанк Пойтуғ бўлими МФО 00045. Ҳисоб рақами 20208000404563356001 Соликдаги ҳисоб рақами 206823524.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг бошлиғи Сатаров Нодирбек 1980 йил 14 апрел туғилган, 3 та фарзанди бор. Касби аграном. Иш стажи 13 йил, маълумоти ўрта. Олдин собиқ охунбобоев ширкат хўжалигида ишчи, шафёр, сувчи, бригадир бўлиб ишлаган.

Фермер хўжалиги ҳудудидаги иқлим ва табиий шароит пахта ва ғалла каби қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш учун жуда қулайдир.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг ҳудудида йил давомида 3520 соат қуёшли кунлар бўлишига тўғри келади. Йилнинг иссиқ кунлари 6 ойни ташкил этади. энг иссиқ кунлар ўртача кеча-кундуз бўйича 36-38°C бўлса, айрим кунлар 40-42°C бўлади. 2014 йилда самарали ҳарорат пахта етиштириш учун меъёрий ҳолатда бўлди. Хўжаликда вегетация даврининг давомийлиги 170 кунни ташкил этади.

Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигига ижарага берилган ер участкаларини тупрок бонитет баллари тўғрисида маълумот

| № | Ер участкалари    |          | Бонитет баллари | Ер майдони, га | Уртача бонитет бали | Карталар сони |
|---|-------------------|----------|-----------------|----------------|---------------------|---------------|
|   | Кадастр гурухлари | Синфлари |                 |                |                     |               |
| 1 | 1 кадастр гурухи  | 1 синф   | 0дан 10 гача    |                |                     |               |
|   |                   | 2 синф   | 11дан 20 гача   |                |                     |               |
| 2 | 2 кадастр гурухи  | 3 синф   | 21дан 30 гача   |                |                     |               |
|   |                   | 4 синф   | 31дан 40 гача   |                |                     |               |
| 3 | 3 кадастр гурухи  | 5 синф   | 41дан 50 гача   |                |                     |               |
|   |                   | 6 синф   | 51дан 60 гача   |                |                     |               |
| 4 | 4 кадастр гурухи  | 7 синф   | 61дан 70гача    | 51             | 66                  | 5             |
|   |                   | 8 синф   | 71дан 80 гача   |                |                     |               |
| 5 | 5 кадастр гурухи  | 9 синф   | 81дан 90гача    |                |                     |               |
|   |                   | 10синф   | 91дан 100 гача  |                |                     |               |
|   | Жами              |          |                 | 51             | 66                  | 5             |

1-жадвалдан хўжаликнинг экин майдонлари ҳолати ҳақида маълумот олиш мумкин. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигига қарашли экин майдонларида қора тусли ўтлоқ тупроқ бўлиб, ўртача 66 бонитет бали билан баҳоланган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, хўжаликнинг экин майдонларидаги ер участкалари 4-кадастр гуруҳидаги 7-кадастр синфига тегишли. Фермер хўжалигининг 2012 йил ҳолатидаги экин майдонлари 51 гектар бўлиб, 5 та суғориш карталарига бўлинган. Контурларнинг майдони 10;8;9.7;10.3,13. гектарни ташкил қилади.

Фермер хўжалиги экин майдонлари Фарғона каналидан сугорилади. Сув билан таъминланиш даражаси 2014 йилда меъёр даражасида. Мазкур ҳолат экинларни ўз вақтида суғоришни таъминлаши билан бирга юқори ҳосил эвазига иқтисодий самарадорликнинг ошишига хизмат қилмоқда.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги релефи текис майдонларга жойлашган. Тупроқ юзасидан сизот сувларининг чуқурлиги даражаси 5,0 метрни ташкил этади. Хўжаликдаги экин майдонлари паст даражада шўрланган бўлиб, бу борада ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича махсус чора-тадбирлар амалга оширишни талаб этади.

Избоскан туманида қишлоқ хўжалиги экинлари олиши мумкин бўлган йиллик ҳарорат ҳамда ёғинлар миқдори етарли бўлиб, экин майдонлари пахта ва ғалла етиштириш талабларига жавоб беради.

Хўжалик ерлари пахта ва буғдой етиштириш учун анча қулай ерлар ҳисобланади. Хўжаликнинг тупроғи қора тусли ўтлоқ тупроқ, тупроқдаги фосфор миқдори 32-43 мг/кг, калий 100-188 мг/кг ни ташкил этади ва бу ўртача меъёр ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, ҳар бир гектар ҳисобига органик ўғит солиш меъёри 15-20 тоннани азот 160-200 кг ни фосфор 170-190 кг ни калий 70-95 кг ни ташкил этади. Хўжаликдаги экин майдонлари пахта ва ғалла каби стратегик экинлардан юқори ҳосил олишга қулай имконият беради. Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги деҳқончиликка ихтисослаштирилган бўлиб, хўжалик ерларига асосан пахта, дон ва такрорий экинлар экилади. Фермер хўжалиги тасарруфидаги экин майдонларининг фаолият давомидаги 3 йил мобайнидаги таркиби, экинлар структураси ва ходимлар сони ҳақидаги маълумотлар 2-жадвалда батафсил келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг экин майдони таҳлил этилаётган 2013-2015 йилларда кескин ошмаган. Хўжаликнинг жами экин майдони 2012 ва 2014 йиллардаги фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш жараёнларида мазкур фермер хўжалигининг фаолияти ижобий баҳоланиб, экин майдони ҳозирда 51 гектарни ташкил этмоқда.

**Избоскантуманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигини  
экин майдони ва унинг таркиби. 2- жадвал.**

|   |              |       |          |          |         |            |
|---|--------------|-------|----------|----------|---------|------------|
| № | Кўрсаткичлар | ўлчов | 2012 йил | 2013 йил | 2014йил | 2012 йилда |
|---|--------------|-------|----------|----------|---------|------------|

|   |                         | бирли<br>ги | мик-<br>дори | %    | мик-<br>дори | %    | мик-<br>дори | %    | 2014 йилга<br>нисбатан % |
|---|-------------------------|-------------|--------------|------|--------------|------|--------------|------|--------------------------|
| 1 | Жами экин<br>майдони    | га          | 51           | 100  | 51           | 100  | 51           | 100  | 100                      |
| 2 | Шундан: пахта           | га          | 24,4         | 47,8 | 30,6         | 60,0 | 26,6         | 52,2 | 109,0                    |
|   | Ҳосилдорлик             | ц\га        | 31           | X    | 32,6         | X    | 34,5         | X    | 111,3                    |
|   | Ялпи ҳосил              | ц           | 756,4        | X    | 997,6        | X    | 917,7        | X    | 121,3                    |
| 3 | Буғдой                  | га          | 26,6         | 52,2 | 20,4         | 40,0 | 24,4         | 47,8 | 91,7                     |
|   | Ҳосилдорлик             | ц\га        | 58,2         | X    | 57,3         | X    | 61,5         | X    | 105,7                    |
|   | Ялпи ҳосил              | ц           | 1548,1       | X    | 1168,9       | X    | 1500,6       | X    | 96,9                     |
| 4 | Ҳодимлар<br>сони        | нафар       | 25           | 100  | 25           | 100  | 25           | 100  | 100,0                    |
| 5 | Шундан:<br>Пахтачиликда | нафар       | 15           | 60,0 | 18           | 72,0 | 15           | 60,0 | 100,0                    |
| 6 | Дончиликда              | нафар       | 10           | 40,0 | 7            | 28,0 | 10           | 40,0 | 100,0                    |
| 7 | Ерни бонитет<br>Бали    | балл        | 66           | X    | 66           | x    | 66           | X    | 100,0                    |

Шу билан бир вақтда пахта ҳосилдорлиги 34.5центенердан, буғдой ҳосилдорлиги 61.5центенерга ортиши таъминланган.

Хўжаликдаги пахта майдонлари 26.6 гектардан иборат. Буғдой экилган майдонлар эса 24.4 гектарни ташкил этади. Жами экин майдонига нисбатан пахта майдонларининг улуши 52.0% га, ғалла майдонларининг улуши 48% ни ташкил қилган.

Екин майдонларининг кескин кўпайиши ҳисобига кўп меҳнат талаб қиладиган амалларни: ғўзани ягоналаш, бегона ўтдан тозалаш, чопиқ қилиш каби агротехника тадбирларини бажариш учун қўшимча меҳнат ресурслари жалб қилинган. 2012 йилдаги 25 нафар ҳодим 2014 йилга келиб 25 нафарни ташкил этган ишчи ва хизматчиларни сони узгармаган. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида 2014 йил ҳолатига 25нафар ҳодимлардан 15



нафари ёки 60 фоиз қисми пахтачиликда, қолган 10 нафари ёки 40 фоиз қисми эса ғаллачиликда агротехника тадбирларини ўз вақтида амалга ошириш билан шуғулланмоқда.

Асосан оилавий меҳнатга асосланган фермер хўжалигида ўз оила аъзолари ва қариндошлари ғўзага ишлов бериш амалларининг барчасига ўз вақтида улгурмайдилар. Шунинг учун қишлоқ хўжалигида, деҳқончиликда етарли тажриба тўплаган қишлоқдаги ёлланма меҳнат ресурсларидан жалб қилиш зарурати пайдо бўлади.

Фермер хўжалигини ўрта маълумотли аграром Саттаров Нодирбек таъсис этган ва ҳозиргача бошқариб келмоқда. Хўжалик раҳбари фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларини яхши тушунади ва бу соҳада етарли тажрибага эга. Шунинг учун мазкур фермер хўжалиги Избоскан туманидаги наъмунали фермер хўжаликлардан ҳисобланади. Фермер хўжалигининг аъзолари ҳақидаги батафсил маълумотлар 3-жадвалда келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигининг аъзолари ўз фаолият тури бўйича тегишли маълумотга эга бўлмасда, қишлоқ хўжалиги экинларини етиштириш бўйича маълум тажрибага эга. Шу ўринда таъкидлаш керакки, фермер хўжалигининг 8 нафар аъзоси бўлиб, қолганлари 1 йиллик шартнома асосида меҳнат қиладилар.

Фермер хўжалиги ҳисобчиси унинг укаси Саттаров Икболжон маълумоти ўрта махсус, стажи 8 йилни ташкил этади. Фермер хўжалигининг барча ишчилари яқдил равишда ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишини англаган ҳолда пахта ва ғалладан юқори ҳосил етиштиришга интилмоқдалар.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг бошлиғи узоқ йиллар давомида қишлоқ хўжалигида деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, етарлича тажриба тўплаган. Фермер хўжалигининг кўп аъзолари хўжалик бошлиғининг яқин қариндош-уруғлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳам хўжаликда ишлаб чиқариш, молиявий бошқариш ва моддий рағбатлантириш масалаларида қарорлар қабул қилинганда ҳеч қандай

келишмовчиликлар ва тортишувларга ўрин қолмайди. Сабаби фермер хўжалигши оилавий асосда ташкил этилгани учун қариндош-уруғчилик алоқалари барча келишмовчиликларни бартараф этиб туради. Бу фермер хўжалигининг энг муҳим афзалликларидан биридир.

Фермер хўжалигидаги агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишда сувчи, механизатор ва агроном каби малакали ходимларга эҳтиёжи бор. Сабаби кўплаб ходимлар махсус тайёргарликка эга эмас. Натижада хўжалик четдан шартнома асосида малакали ходимларни жалб этган. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш бир қатор ўзига хос хусусиятларга эгадир. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигини аъзоларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш жараёни бўйича касбий тайёргарлигини ошириш зарур.

Ҳозирги кунда фермер хўжаликни аъзоларидан биронатаси ҳам олий маълумотга эга эмас, қолганлари ҳамда шартнома асосида ишлайдиганларни қишлоқ хўжалигида иш тажрибаси кам. Шунинг учун фермер хўжалиги аъзоларини касбий билимларини ошириб бориш зарур. Давлат эҳтиёжлари учун контрактация шартномаси асосида пахта ва ғалла етиштиришни ташкил этиш учун албатта асосий воситаларнинг мавжуд бўлиши талаб этилади. Қишлоқ хўжалиги техникалари экинларга ишлов бериш, ерни экишга тайёрлаш,

### **3-жадвал**

**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигини  
аъзолари ва уларнинг таркиби тугрисида маълумот**

| №                                    | Аъзоларнинг<br>фамилияси ва исми | Тугил-<br>ган<br>йили | Маълу-<br>моти | Касби     | Иш<br>стажи | Фермер<br>хўжалиги<br>бошлигига<br>кариндош-<br>уруғчилик<br>алокаси | Кушимча<br>эгаллаган<br>касби |
|--------------------------------------|----------------------------------|-----------------------|----------------|-----------|-------------|----------------------------------------------------------------------|-------------------------------|
| 1                                    | Саттаров Нодирбек                | 1980                  | Ўрта           | ф/х бошл  | 13          | ф/х бошл                                                             | аграном                       |
| 2                                    | Саттаров Иқболжон                | 1988                  | Ўр.махсс       | Бухгалтер | 8           | Укаси                                                                | тадбиркор                     |
| <b>Шартнома асосида ишлаётганлар</b> |                                  |                       |                |           |             |                                                                      |                               |
| 1                                    | Жабборов Замира                  | 1980                  | Ўрта           | ишчи      | 13          | -                                                                    | ошпаз                         |
| 2                                    | Ергашев Нозим                    | 1992                  | Ўрта           | сувчи     | 3           | -                                                                    | Сувчи                         |
| 3                                    | Омонбоев Фарҳод                  | 1988                  | Ўрта           | сувчи     | 6           | -                                                                    | сваршик                       |
| 4                                    | Ахмедов Абдорхўжа                | 1980                  | Ўрта           | ишчи      | 11          | -                                                                    | Дурадгор                      |
| 5                                    | Тожибоев Ориф                    | 1983                  | Ўрта           | ишчи      | 9           | -                                                                    | Такторчи                      |
| 6                                    | Акбаров Сардор                   | 1983                  | Ўрта           | ишчи      | 8           | -                                                                    | Такторчи                      |
|                                      |                                  |                       |                |           |             |                                                                      |                               |
| 25                                   | Рашидов Авазбек.                 | 1990                  | Ўрта           | ишчи      | 3           |                                                                      | Ишчи -                        |

текислаш, экиш, буғдойни уриб-йиғиб олиш, ташиш каби ишларда жуда зарурдир. Мазкур фермер хўжалигида 1 дона 4 ғилдиракли транспорт трактори ва 1 дона 3 ғилдиракли чопиқ трактори ТТЗ-80 мавжуд. Бу техникаларнинг иккитаси аввалги даврдан бошлаб фойдаланилаётган бўлса, ТТЗ-80 чопиқ трактори ва култиватор ишчи органи 2010 йил феврал ойида лизинг асосида олинган. Қишлоқ хўжалиги техникаларининг ҳолати соз бўлиб, ўз вақтида жорий таъмирлаб борилмоқда. Бу ҳолат техник хизматлар учун ҳаражатларни камайтириб, иқтисодий самарадорликнинг тобора ошишини таъминлаб келмоқда. Қишлоқ хўжалиги ишлари бажариш учун бошқа зарур техникалар Избоскан туман марказий МТП ДАЖ дан олинади. Мазкур фермер хўжалигининг яқин истиқболида тракторга ишчи агрегат органлар: плуг, чизел, ўғит сепгич, ўқариқ олувчи ҳамда прицеп ва комбайн кабиларни олишга эришиш зарур.

Фермер хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш ва бошқарув жараёнида амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан самарали фойдаланилгани туфайли охириги йилларда барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалик соҳасида ҳам айтарли ижобий натижаларга эришиб келинмоқда. Буни биз Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг охириги 3 йил мобайнидаги иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларида яққол кўришимиз мумкин. Фермер хўжалигида ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги ҳақидаги батафсил маълумотлар 4- жадвалда келтирилган. Жадвал ҳамда чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида экин майдонлари ошмаган ҳолда жами ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2012 йилдаги 96665,3 минг сўмдан 2014йилда 120041,5 минг сўмга етган ёки 24.4%га марта ортган. Бунга сабаб сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиши ҳамда экин майдонининг кенгайиши ҳисобланади. Ҳаражатларнинг батафсил таркиби ишнинг кейинги қисмларида кўриб чиқилади.

Пахта ва ғалла етиштириш ҳисобига яратилган ялпи маҳсулот ҳажми 2012 йилдаги 116352,5 минг сўмдан 2014 йилда 147883,2минг сўмга етган ёки 27.1%га о

ртган. Бу кўрсаткич ўсишининг омиллари эса ҳосилдорлик ва ялпи ҳосилнинг ошиши ҳамда пахта-ғалланинг давлат ҳарид баҳоларини 3 йил мобайнидаги ортиши ҳисобланади. Шунингдек фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида фойданинг ўсиши 41.4%га, бир ходим ҳисобига ялпи маҳсулот миқдори 27.1%га ўсган.

**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигини иқтисодий самарадорлиги. 4- жадвал.**

| № | Кўрсаткичлар                                        | Ўлчов<br>бирлиги | 2012 й.            | 2013й.                  | 2014 й.                 | 2014<br>йилда<br>2012йил<br>га<br>нисбатан<br>% |
|---|-----------------------------------------------------|------------------|--------------------|-------------------------|-------------------------|-------------------------------------------------|
| 1 | Екин майдони<br>а)пахта<br>б)буғдой                 | Га<br>га<br>га   | 51<br>24,4<br>26,6 | 51<br>30,6<br>20,4      | 51<br>26,6<br>24,4      | 100<br>109<br>91,7                              |
| 2 | Ишлаб чиқариш<br>ҳаражатлари.<br>Шундан: иш ҳақи    | м.с<br>м.с       | 96665,3<br>21217,0 | 129574,<br>8<br>29791,7 | 120041,<br>5<br>31014,7 | 124,2<br>146,2                                  |
| 3 | Ҳодимлар сони                                       | нафар            | 25                 | 25                      | 25                      | 100,0                                           |
| 4 | Ялпи маҳсулот                                       | м.с              | 116352,<br>5       | 156937,<br>9            | 147883,<br>2            | 127,1                                           |
| 5 | Фойда                                               | м.с              | 19687,3            | 27363,0                 | 27841,7                 | 141,4                                           |
| 6 | 1 гектар ҳисобига:<br>а) ялпи маҳсулот              | м.с              | 2281,4             | 3077,2                  | 2899,7                  | 127,1                                           |
| 7 | 1 ҳодим ҳисобига:<br>а) ялпи маҳсулот<br>б) иш ҳақи | м.с<br>м.с       | 4654,1<br>848,7    | 6277,5<br>1191,7        | 5915,3<br>1240,6        | 127,1<br>146,2                                  |
| 8 | Рентабеллик                                         | %                | 20,4               | 21,1                    | 23,2                    | +2.8                                            |

Юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда хулоса қилиш мумкинки, фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг иқтисодий кўрсаткичлари анча яхшиланган. Буни биз иқтисодий самарадорликни яқунловчи кўрсаткичи ҳисобланган рентабеллик даражасини 20.4 ва 23.2 фоизли кўрсаткичига усганлигини . Яъни таҳлил даврида рентабеллик +2.8. Бу курсаткич умуман талаблар даражасидан анча паст эканлигини курсатмокда. Юқоридаги келтирилган натижалар фермер хўжалигида аграр соҳада ўтказилаётган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириб

борилмаётганлигидан, шу билан бирга самарали технологиялардан фойдаланиш даражасини анча пастлигини маълумотлар тасдиқлаб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 10 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги фармойиши доирасида кўрилган кенг кўламли ташкилий чоралар ва амалга оширилган тадбирлар натижасида 2011йил ноябр ойида бутун Ўзбекистон бўйича ўтказилганидек, Избоскан туманида ҳам фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. Ушбу жараёнда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг кўрсаткичлари коникарли баҳоланди. Ҳозирда унинг экин майдони 51 гектарни ташкил этмоқда. Бунга сабаб фермер хўжалигининг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши билиши, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контракция шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва буларнинг натижасида ижобий рентабелликка эришаётганлиги даражаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил октябрдаги фермер хўжаликлари ер майдонларини янада мақбуллаштириш тўғрисидаги 3287-фармон доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида Избоскан туманида фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини навбатдаги босқичда мақбуллаштирилди. Ушбу жараёнда ҳам Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг кўрсаткичлари яна бир бор ижобий баҳоланди. энди бу хўжаликни жадал иқтисодий ривожлантиришга эришиш зарур.

## **2.2. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари тахлили**

Республикамиз кишлок хужалигида вужудга келаётган янги хужалик юритиш шакллари орасида фермер хужаликлари муҳим аҳамият касб этади. Фермер хужаликлари хужалик юритишнинг шахсий манфаатдорлик, ташаббускорлик ва мулкӣ жавобгарлик тамойилларига таяниб, кишлок хужалигида мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиқ ва соғлом рақобат асосида ривожланиб боришига асосланади.

Фермер хужаликлари етиштирган маҳсулотига эгалиқ қилишига, узига тегишли мол-мулк, молиявий ва моддий ресурсларни мустақил тасарруф этишиги, ерга бўлган эгалиқ ҳиссига қура, яъни мустақил хужалик юритиши бўйича бозор иқтисодиёти тамойилларига мос тушади.

Республика ҳукуматининг бир қатор қарорларида истикболда асосий кишлок хужалик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи субъект бўлиб қоладиган фермер хужаликларини янада ривожлантириш назарда тутилган. Кейинги йилларда фермер хужаликларини зарар билан ишлаётган паст рентабеллиларга эътибор қаратилган.

Бутун дунё тажрибаси бозор учун, яъни сотиш учун маҳсулот ишлаб чиқарувчи фермер хужаликларининг афзаллигини қурсатмоқда, чунки фермер хужаликларида ишлаб чиқарувчи, яъни фермернинг мақсади ва вазифаси охириги натижа билан узвий боғланган. Шундай экан фермер хужаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини, уни бозор шароитидаги ҳаракатини, мавжуд ишлаб чиқариш ресурсларидан оқилона фойдаланиш юлларини ва шу асосда уларни самарали фаолиятларини урганиш объектив зарурият бўлиб ҳисобланади.

Пахта етиштириш ва унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, ҳаражатларни камайтириш аграр соҳа иқтисодиётини мустаҳкамлашнинг асосий вазифасидир. Чунки пахта ҳам ашёси саноат қорхоналари учун ўта муҳим ва зарурий маҳсулот ҳисобланади. Бундан ташқари пахта ҳам ашёси

республиканинг асосий валюта тушумини таъминлаб берувчи товар маҳсулоти ҳисобланади.

Пахта етиштиришда кейинги йилларда бир қатор ўзгаришлар рўй бермоқда. Жумладан, пахта етиштиришни кўпайтириш экин майдонлари ҳисобига эмас, аксинча ҳаражатларни камайтириб, ҳосилдорликнинг ортиши ҳисобига эришилмоқда.

Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида 2012 йилда 26.6 гектар майдонда пахта етиштирилиб, гектарига 34,5 центнердан ҳосил олинган. Пахта майдони 2014 йилда 2012 йилга нисбатан 2,2 гектарга ўзгарган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, пахта етиштиришда 2013-2015 йилларда иқтисодий самарадорлик курсаткичлар талаблар даражасида эмалиги аниқланган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган даврда 10.6% дан 13.4% гача ўзгарган, яъни +2.8 даржага ўзгарган. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир. Рентабеллик ошишининг омили сифатида эса ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсишини кўрсатиш мумкин. Ҳақиқатдан, 2013-2015 йилларда ишлаб чиқариш ҳаражатлари 33%га ошган бир пайтда ялпи маҳсулотнинг ҳажми 36.3%га ошган. Ялпи маҳсулот билан ишлаб чиқариш ҳаражатларининг фарқи сифатида топиладиган фойда миқдори таҳлил даврида 6061,8 минг сўмдан 10170,5 минг сўмгача етган ёки 67.8%га ошган. 1 гектар ҳисобига олинган ялпи маҳсулот ҳажми 2593,2 минг сўмдан 3243,4 минг сўмга етган ёки 25.1 фоизга ошган. Ишлаб чиқариш ҳаражатларини ялпи ҳосилга бўлиш натижасида 1 ц пахтанинг таннархини топиш мумкин. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида таннарх 82928,2 сўмдан тушган бир даврда пахтанинг сотиш баҳоси 94010,8 сўмга тўғри келган.



**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида  
пахта ишлаб чиқаришнинг иқтисодий самарадорлиги. 5- жадвал.**

| №  | Кўрсаткичлар                                        | Ўлчов<br>бирлиги | 2012 й.            | 2013 й.            | 2014й              | 2014 йилда<br>2012йилга<br>нисбатан<br>% |
|----|-----------------------------------------------------|------------------|--------------------|--------------------|--------------------|------------------------------------------|
| 1  | Екин майдони                                        | га               | 24,4               | 30,6               | 26,6               | 109,0                                    |
| 2  | Ҳосилдорлик                                         | ц\га             | 31                 | 32,6               | 34,5               | 111,3                                    |
| 3  | Ялпи ҳосил                                          | ц                | 756,4              | 997,6              | 917,7              | 121,3                                    |
| 4  | Ишлаб чиқариш<br>Харажатлари<br>Шундан: иш ҳақи     | м.с<br>м.с       | 57213,0<br>12300,8 | 79852,5<br>18206,4 | 76103,2<br>19634,6 | 133,0<br>159,6                           |
| 5  | Ҳодимлар сони                                       | нафар            | 15                 | 18                 | 15                 | 100,0                                    |
| 6  | Ялпи маҳсулот                                       | м.с              | 63274,8            | 88906,74           | 86273,71           | 136,3                                    |
| 7  | Фойда                                               | м.с              | 6061,8             | 9054,3             | 10170,5            | 167,8                                    |
| 8  | 1 центнер пахтани<br>Таннархи                       | сўм              | 75638,5            | 80047,8            | 82928,2            | 109,6                                    |
| 9  | 1 центнер пахтани<br>сотиш баҳоси                   | сўм              | 83652,5            | 89124,2            | 94010,8            | 112,4                                    |
| 10 | 1 гектар ҳисобига:<br>А) ялпи маҳсулоти             | м.с              | 2593,2             | 2905,4             | 3243,4             | 125,1                                    |
| 11 | 1 ҳодим ҳисобига:<br>А) ялпи маҳсулот<br>Б) иш ҳақи | м.с<br>м.с       | 4218,3<br>820,1    | 4939,3<br>1011,5   | 5751,6<br>1309,0   | 136,3<br>159,6                           |
| 12 | Рентабеллик                                         | %                | 10,6               | 11,3               | 13,4               | +2.8                                     |

Ҳар қандай қишлоқ хўжалиги маҳсулотини, жумладан пахта хом ашёсини етиштириш учун моддий-техника ресурсларидан, ер, сув ва меҳнат ресурсларидан фойдаланилади. Пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш фермер хўжалигининг маҳсулот етиштириш ва реализация қилишга сарфланадиган барча харажатларининг пулдаги ифодаси бўлган таннархни аниқлашдан бошланади. Шу сабабли маҳсулот таннархи энг муҳим иқтисодий

категориялардан бири бўлиб, фермер хўжалигининг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятининг ижобий ёки салбий томонларини ўзида акс эттиради.

Маълумки, пахта хом ашёсини етиштиришда фермер хўжаликларида моддий ҳаражатлар, иш ҳақи, ижтимоий ажратмалар, асосий воситаларнинг эскиришига амортизация ажратмалари ва бошқа ҳаражатлар сарфланади. Пахтачиликдаги ишлаб чиқариш ҳаражатларининг батафсил тавсифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»да келтирилган. энди биз шу Низомга асосан пахта хом ашёси ишлаб чиқариш ҳаражатларини бевосита Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалиги мисолида 6-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида пахта етиштириш учун сарфланган ҳаражатлар барча элементлар бўйича 2008 йилга нисбатан ортган. Жумладан, моддий ҳаражатлар жами ишлаб чиқариш ҳаражатларининг салмоқли 61.7%ни ташкил этган.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида минерал ўғитлар учун ҳаражатлар 2012 йилда 10298,3 минг сўмдан 2014йилда 12404,8минг сўмга етган. Жами ҳаражатлар таркибида эса 16,3%ни ташкил этган. Пахта етиштириш жараёнида дехконнинг каноти бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларини урни жуда катта. Албатта улардан фойдаланиш жараёнида ёқилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар ва техник сервис хизматлари учун ҳаражатлар талаб қилади. Шу ўринда дизел ёқилғиси ҳаражатлари салмоқли аҳамият касб этади. Таҳлил даврида Избоскан хирмони барака

фермер хўжалигида 8009,8 минг сўмдан 11263,3 минг сўмгача, яъни жами харажатларнинг 14-14.8 фоизи микдорида харажат килинган.

**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида  
пахта етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби. 6- жадвал.**

| №               | Харажатлар<br>Тури                                      | 2012 йил. |      | 2013 йил. |      | 2014 йил. |      |
|-----------------|---------------------------------------------------------|-----------|------|-----------|------|-----------|------|
|                 |                                                         | м.с       | %    | м.с       | %    | м.с       | %    |
| 1               | Моддий<br>харажатлар                                    | 37188,4   | 65   | 51025,7   | 63,9 | 46955,7   | 61,7 |
|                 | а) уруғлик                                              | 5435,2    | 9,5  | 8703,9    | 10,9 | 8523,6    | 11,2 |
|                 | б)ўғитлар                                               | 10298,3   | 18   | 13734,6   | 17,2 | 12404,8   | 16,3 |
|                 | в) Ё.М.М                                                | 8009,8    | 14   | 11658,5   | 14,6 | 11263,3   | 14,8 |
|                 | г) иш ва хизматлар                                      | 10126,7   | 17,7 | 12616,7   | 15,8 | 10350,0   | 13,6 |
|                 | д) бошқа моддий<br>харажатлар                           | 3318,4    | 5,8  | 4312,0    | 5,4  | 4414,0    | 5,8  |
| 2               | Меҳнат ҳақи<br>харажатлари                              | 12300,8   | 21,5 | 18206,4   | 22,8 | 19634,6   | 25,8 |
| 3               | Ижтимоий<br>ажратмалар                                  | 1888,0    | 3,3  | 3034,4    | 3,8  | 2663,6    | 3,5  |
| 4               | Асосий воситалар<br>ва номоддий<br>активлар<br>эскириши | 4577,0    | 8    | 5190,4    | 6,5  | 4566,2    | 6    |
| 5               | Бошқа харажатлар                                        | 1258,7    | 2,2  | 2395,6    | 3    | 2283,1    | 3    |
| Жами харажатлар |                                                         | 57213,0   | 100  | 79852,5   | 100  | 76103,2   | 100  |

Фермер хўжалиги аъзолари иш ҳақи тулаш учун 25.8 фоиз атрофида ажратилган. Иш ҳақи 2012 йилда 12300,8 минг сўмдан 2014 йилда 19634,6минг сўмга етган.

Аввалги бўлимда таъкидланганидек, хўжаликнинг асосий воситалари мавжуд бўлиб, тегишли миқдорда (4566,2минг сўм) амортизация тўловлари ўтказиб борилган.

Жами ишлаб чиқариш харажатлари 2012 йилдаги 57213,0 минг сўмдан 2014 йилда 76103,2минг сўмгача ўзгарган.

Етиштирилган пахта хосилининг ялпи маҳсулоти миқдори тайёрлов корхоналарига етказилган пахтанинг қайси навга қабул қилинишига боғлиқ. энди хўжаликнинг иқтисодий самарадорлик омилларидан бўлган пахта сифатини кўриб чиқамиз. 7-жадвалда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида етиштирилган пахтанинг навлар бўйича тақсимланиши акс эттирилган. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида Наманган-77 пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2014 йилда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида сотилган пахтанинг 59.6 фоизи ёки 450.8 центнери юқори 1-навларга тегишлидир. 1-навдаги пахта учун олинган ҳақ жами 31264,0 минг сўм миқдорида бўлган. Бундан ташқари, 289,1 ц ёки 31.4% 2-навга топширилган.

2013-2015 йилларда Андижон вилоятининг барча ҳудудлари сингари пахта теримини камида 70% кўсаклар очилганда бошланган ва бирданига териб олинган. Теримни отряд усулида олиб бориш ташкил қилинган. Ушбу чора тадбирлар ўз ижобий натижасини берган ҳолда 2014 йилда 68.5% қисми ёки 628.6 ц пахта 1-навга, қолган 31.4% қисми ёки 289.1 ц пахта 2-навга топширилган. Ушбу ҳолат фермер хўжалигининг пахтадан салмоқли пул даромади олишининг омили бўлган.

**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигини  
сотилган жами пахтасини навлар бўйича тақсимланиши. 7- жадвал**

| Саноат<br>нави | Синфи | 2012- йил,   |            | 2013- йил,   |            | 2014- йил    |            |
|----------------|-------|--------------|------------|--------------|------------|--------------|------------|
|                |       | миқдори ц    | %          | миқдори ц    | %          | миқдори ц    | %          |
| <b>И</b>       | 1     | 450,8        | 59,6       | 652,4        | 65,4       | 628,6        | 68,5       |
|                | Жами  | 450,8        | 59,6       | 652,4        | 65,4       | 628,6        | 68,5       |
| <b>ИИ</b>      | 1     | 236,0        | 31,2       | 251,4        | 25,2       | 289,1        | 31,5       |
|                | Жами  | 236,0        | 31,2       | 251,4        | 25,2       | 289,1        | 31,5       |
| <b>ИИИ</b>     | 1     | 69,6         | 9,2        | 93,8         | 9,4        |              |            |
|                | Жами  | 69,6         | 9,2        | 93,8         | 9,4        |              |            |
| <b>ИВ</b>      | 1     |              |            |              |            |              |            |
|                | 2     |              |            |              |            |              |            |
|                | 3     |              |            |              |            |              |            |
|                | Жами  |              |            |              |            |              |            |
| <b>В</b>       | 1     |              |            |              |            |              |            |
|                | Жами  |              |            |              |            |              |            |
| <b>Ҳаммаси</b> |       | <b>756,4</b> | <b>100</b> | <b>997,6</b> | <b>100</b> | <b>917,7</b> | <b>100</b> |

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида суғориш учун сув билан таъминланганлик даражаси яхши. Фарғона каналидан олинадиган сув меъёридан кўра 2012 йилда 10-11% га кам бўлган бўлса, 2014 йилда етарлича сув билан таъминланган.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида охириги уч йил мобайнида Наманган -77 пахта нави экиб келинган. Хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Бундан ташқари қиш ойларида хўжалик аззоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, январ-феврал ойларида хўжалик майдонларига солиш керак.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида пахта етиштиришни 15-20% гача

ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган пахта етиштиришни кўпайтириш дастури тузиш зарур.

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги бир нечта кўрсаткичлар ёрдамида аниқланади. Бунинг учун ялпи маҳсулот, ишлаб чиқариш ҳаражатлари ва хўжалик фаолияти натижасида олинган фойда асос бўлади. Рентабеллик даражасини фойданинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбати орқали топилишини инобатга оладиган бўлсак, равшан бўладики, фойданинг даражаси юқори ва ҳаражатларнинг нисбатан паст даражада бўлиши талаб этилади.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида, эркин нархлар амал қилувчи бозор иқтисодиётида моддий –техника ресурсларининг нархлари ва ўз навбатида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари объектив тарзда ўсиб боришини келтириб чиқаради.

8-жадвалда Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган 2013-2015 йилларда бир қатор ижобий натижаларга эришилган. Жумладан, экин майдони дастлабки ҳолатини сақлаб қолишга ҳаракат қилинган.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида буғдой ишлаб чиқариш ҳаражатлари 2012 йилдаги 34320минг сўмдан 2014 йилда 40640 минг сўмга етган ёки 11,4 фоизга ортган. Ҳозирги мураккаб ўтиш шароитида буғдой етиштириш учун талаб қилинадиган моддий-техника ресурсларининг нархлари ортиб бориши объектив жараён бўлганлиги учун ишлаб чиқариш ҳаражатлари ортиб бормоқда. Ушбу ҳолат албатта биз таҳлил қилаётган фермер хўжалигига ҳам тааллуқлидир.

Ривожланишга ҳаракат қилаётган Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида ялпи маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳаражатларидан устун даражада ўстиришга эришилган. Буғдой ялпи маҳсулоти ҳажми 2012 йилдаги

53077,7минг сўмдан 2014йилда 61609,53минг сўмга етган ёки 16.1%га ортган. Бунинг асосий омиллари сифатида ҳосилдорликнинг 58.2 дан 61,5ц/га га ошиши, 1 ц буғдойнинг сотиш баҳоси 34285,3 сўмдан 41056,6 сўмгача ортишини кўрсатиш мумкин.

Ғаллачилик тармоғидаги ялпи маҳсулот ҳажмидан ишлаб чиқариш харажатларини айириб ташлаш натижасида фермер хўжалигининг фойдаси ҳисобланади. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида ғаллачиликдаги фойда 13625,5минг сўмдан 17671,2минг сўмгача ёки 29.7%га ортган.

Фермер хўжалигининг ердан фойдаланиш бўйича иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлари анча яхшиланган. Жумладан 1 гектар буғдой экилган майдонга тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2012 йилдаги 11995,4 минг сўмдан 2014 йилда 2525,0 минг сўмга етган ёки 26.5%га ортган.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг ғаллачилик тармоғида ишлаш учун жалб этилган 10 нафар ишчининг ўртача ҳар бирига тўғри келувчи ялпи маҳсулот ҳажми 2012 йилдаги 5307,8 минг сўмдан 2014 йилда 6161,0минг сўмгача ўзгарган ёки 116.1% ни ташкил этган. Шу ўринда ҳар бир ишчининг йиллик иш ҳақи 1138,0 минг сўмни ташкил этган.

Юқоридаги барча кўрсаткичларни умумлаштирган ҳолда ғаллачиликда якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабелликни аниқлаш мумкин. Фермер хўжалигининг ғаллачиликдан олган фойдасини жами ишлаб чиқариш харажатларига нисбатини фоиз ҳисобида олиш натижасида рентабеллик даражаси 2012 йилдаги 34.5% даражадан 2014 йилда 40.2% га етган. Бу кўрсаткичнинг яхшиланиши сабаби юқорида таъкидланганидек, ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш харажатларига нисбатан устун даражада ўсиши ҳисобланади. Аммо бу ҳали кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай олмайди.

**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида  
бугдой етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги. 8- жадвал.**

| №  | Кўрсаткичлар                                              | Ўлчов<br>бирлиги | 2012 й  | 2013 й  | 2014 й   | 2014<br>йилда<br>2012<br>йилга<br>нисбатан<br>% |
|----|-----------------------------------------------------------|------------------|---------|---------|----------|-------------------------------------------------|
| 1  | Екин майдони                                              | Га               | 26,6    | 30,6    | 24,4     | 91,7                                            |
| 2  | Ҳосилдорлик                                               | ц\га             | 58,2    | 57,3    | 61,5     | 105,7                                           |
| 3  | Ялпи ҳосил                                                | Ц                | 1548,1  | 1753,4  | 1500,6   | 96,9                                            |
| 4  | Ишлаб<br>чиқариш<br>ҳаражатлари<br>Шундан: иш<br>ҳақи     | м,с              | 39452,3 | 49722,4 | 43938,3  | 111,4                                           |
|    |                                                           | м,с              | 8916,2  | 11585,3 | 11380,0  | 127,6                                           |
| 5  | Ҳодимлар<br>сони                                          | Нафар            | 10      | 7       | 10       | 100,0                                           |
| 6  | Ялпи<br>маҳсулот                                          | м,с              | 53077,7 | 68031,1 | 61609,53 | 116,1                                           |
| 7  | Фойда                                                     | м,с              | 13625,5 | 18308,8 | 17671,2  | 129,7                                           |
| 8  | Фермер<br>даромади                                        | м,с              | 4709,3  | 6723,5  | 6291,2   | 133,6                                           |
| 9  | 1 центнер<br>бугдойни<br>Таннархи                         | Сўм              | 25484   | 28358   | 29280,5  | 114,9                                           |
| 10 | 1 центнер<br>бугдойни<br>сотиш баҳоси                     | Сўм              | 34285,3 | 38800   | 41056,6  | 119,7                                           |
| 11 | 1 гектар<br>ҳисобига:<br>а) ялпи<br>маҳсулоти             | м,с              | 1995,4  | 2223,2  | 2525,0   | 126,5                                           |
| 12 | 1 ҳодим<br>ҳисобига:<br>а) ялпи<br>маҳсулот<br>б) иш ҳақи | м,с              | 5307,8  | 9718,7  | 6161,0   | 116,1                                           |
|    |                                                           | м,с              | 891,6   | 1655,0  | 1138,0   | 127,6                                           |
| 13 | Рентабеллик                                               | %                | 34,5    | 36,8    | 40,2     | 116,5                                           |



Ҳозирги шароитда оптимал рентабеллик бўлган 50-55%ли рентабеллик даражасига эришиш учун ҳали имкониятлар мавжуд.

Хўжаликнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашда асосий омиллардан бири ишлаб чиқариш ҳаражатлари ҳисобланади. Маҳсулот бирлигига тўғри келувчи ишлаб чиқариш ҳаражатлари қанча кам бўлса, самарадорлик шунча юқори бўлади.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ҳозирги босқичида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг мунтазам ортиб бориши қонуниятли жараёндир. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида буғдой етиштириш учун сарфланган ҳаражатларни 9-жадвал ёрдамида кўриб чиқамиз. Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, ишлаб чиқариш ҳаражатларининг салмоқли қисмини моддий ҳаражатлар эгаллайди ва 2013-2015 йилларда мос ҳолда 64.6 ва 62.4 фоизни ташкил қилган. Моддий ҳаражатлар таркибига эса, маълумки, бевосита ҳосилдорликка таъсир этувчи уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи, иш ва техник хизматлар, ўсимликларни зараркунандалардан ҳимоя қилиш каби ҳаражатлар киради.

Нефт базаси билан ёқилғи-мойлаш материаллари етказиб бериш бўйича шартнома тузилган. Қишлоқ хўжалигида буғдой етиштириш жараёнида ерни экишга тайёрлаш, экиш, ўғитлаш, ҳосилни ўриб-йиғиб олиш каби кўрсатиладиган техник хизматлар учун ёқилғи сарфланади. Моддий ҳаражатлар таркибида ёқилғи учун сарфланган ҳаражатлар 2012 йилда 5760,0 минг сўмдан 2014 йилда 5843,8 минг сўмга етган. Ёқилғи-мойлаш материалларининг жами буғдой етиштириш ҳаражатларидаги салмоғи таҳлил даврида 14.6-13.2 фоизни ташкил этган. Меҳнат ҳақи ҳаражатлари ҳам жами ишлаб чиқариш ҳаражатларининг 25.9 фоизи атрофида сақланиб турибди. Хўжаликдаги ишчиларни моддий жиҳатдан яхши таъминлаш, албатта меҳнат натижаларидан манфаатдорликни оширади. Шу сабабли хўжаликда таҳлил даврида жами 8916,2 минг сўм ва 11380,0 минг сўм иш ҳақиға ажратилган.

**Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида  
буғдой етиштириш харажатлари ва уларнинг таркиби. 9- жадвал.**

| № | Харажатлар тури                                   | 2012 й      |       | 2013 й      |       | 2014 й      |       |
|---|---------------------------------------------------|-------------|-------|-------------|-------|-------------|-------|
|   |                                                   | минг<br>сўм | %     | минг<br>сўм | %     | минг<br>сўм | %     |
| 1 | Моддий харажатлар                                 | 25486,2     | 64,6  | 31921,7     | 64,2  | 27417,5     | 62,4  |
|   | а) уруглик                                        | 3748,0      | 9,5   | 4773,3      | 9,6   | 4481,7      | 10,2  |
|   | б) угитлар                                        | 7259,2      | 18,4  | 8999,7      | 18,1  | 8128,6      | 18,5  |
|   | в) Ё,М,М                                          | 5760,0      | 14,6  | 7110,3      | 14,3  | 5843,8      | 13,3  |
|   | г) иш ва хизматлар                                | 6825,2      | 17,3  | 8353,4      | 16,8  | 6678,6      | 15,2  |
|   | д) бошка моддий харажатлар                        | 1893,7      | 4,8   | 2685,0      | 5,4   | 2284,8      | 5,2   |
| 2 | Мехнат хаки харажатлари                           | 8916,2      | 22,6  | 11585,3     | 23,3  | 11380,0     | 25,9  |
| 3 | Ижтимоий ажратмалар                               | 2288,2      | 5,8   | 2585,6      | 5,2   | 2196,9      | 5     |
| 4 | Асосий восита лар ва номоддий активларни эскириши | 1578,1      | 4     | 2237,5      | 4,5   | 1845,4      | 4,2   |
| 5 | Бошка харажатлар                                  | 1183,6      | 3     | 1392,2      | 2,8   | 1098,5      | 2,5   |
|   | Жами                                              | 39452,3     | 100,0 | 49722,4     | 100,0 | 43938,3     | 100,0 |

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида буғдой етиштириш харажатлари барча элементлари бўйича 2012 йилга нисбатан кескин ўсган бўлсада, ялпи маҳсулотнинг ундан юқорирок даражада ошиши ҳисобига юқори рентабеллик даражасига эришилган.

Мазкур ҳолат Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида барча ишлаб чиқариш харажатларини тўғри режалаштирилган ҳолда оқилона сарфланганлигини ва шунинг натижасида ғаллачиликда ижобий 40.2% лик рентабелликка эришганлигини кўрсатади.

### **2.3.Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида самарали агротехнологияларни қўллаш.**

Пахта етиштириш технологияси: Мамлакатимиз бугунги кунда пахта етиштириш буйича дунёда Хитой, Хиндистон, АҚШдан, Покистон ва Бразилиядан кейин 6-уринда туради. Пахта толасини экспорт килиш буйича эса Ўзбекистан АҚШ ва Хиндистондан кейин учинчи уринда туради.

Сунги йилларда республикамизда текстил саноати ривожланиши натижасида йилдан-йилга пахта хомашёсини қайта ишлаш хажмлари ошиб бормокда. 2014 йил натижаларига кура 350 минг тонна тола (35%) узимизда қайта ишланди. Хорижга 650-700 минг тонна тола экспорт килинади.

Ѓўза техник экинлар ичида энг кимматлиси хисобланади. У асосан толаси учун устирилади. Пахта толаси жуда кенг микёсда ва турли мақсадларда ишлатилади. Умуман пахта ашёси ва ўсимликнинг турли қисмлари халқ хўжалиги учун кимматли хом ашё манбаи хисобланади.

Бир тонна чигитли пахтадан 340-350 кг тола, 50-60 кг момик ва 600 кг чигит олинади. Бир тонна чигитдан эса 170-220 кг мой, 380-400 кг кунжара, 50-60 кг момик, 60 кг ўсимлик оксили, 300 кг шелуха олинади.

Нихоят, ғўза сершира (серасал) ўсимликлардан хисобланади, гектаридан **100-200 кг** асал олиш мумкин. Шунинг учун ғўза пайкаллари яқинида бемалол асаларичиликни ривожлантириш мумкин, лекин бунда ғўза зараркунандаларига қарши захарли химикатлар сепишда эҳтиёт чораларини қўриш шарт, албатта.

Пахта толасидан, чигитидан ва ўсимликнинг бошқа қисмларидан хаммаси булиб 1200 дан ортиқ турли хил махсулотлар олинади.

**Ерни экишга тайёрлаш ва чигит экиш**

Кузда шудгор килинган ерларда тупрок оби-тобига етилишига караб, барча майдонлар эрта бахорда бороналанади. Бу тадбирни бажаришда икки катор борона тиркалган занжирли тракторлардан фойдаланилади. Биринчи, эрта бахорги бороналаш муддати тупрокнинг механик таркибига, об-хаво шароитига ва тупрокни етилишига караб белгиланади: ёнгарчилик кам буладиган худудларда эрта бахорги бороналашни феврал ойининг урталари ва мартнинг бошларида, бошқа худудларда март ойининг уртаси ва учинчи ун кунлигида ўтказилади.

Эрта бахорги бороналаш шудгорланган майдоннинг юза кисмини майда донадор булиши, намли узок саклаб туриши, тупрокдан зарarli тузларни юқори катламларга кутарилишини олдини олишда ҳамда бегона ўтларга карши курашда самарали чора хисобланади. эрта бахорги бороналаш бир марта, фақат айрим холлардагина - ер бети каттик каткалок булиб колганда - иккинчи марта бороналашга рухсат берилади.

Бороналаш Т-4А, ВТ-150 каби занжирли тракторлар ёрдамида амалга оширилганда тупрок ортикча зичланмайди, иш унумдорлиги юқори булади.

Яхоб суви берилган, айникса, шури ювилган майдонларда хайдов катлами анча зичлашган бўлса, уларни эрта бахорги бороналаш самарасиз булиши мумкин. Бундай тупроклар борона тиркалган холда чизелланади ёки дискаланади. Тупрокка эрта бахорги ишлов беришда тишли ва диски бороналар ҳамда чизел-култиваторлардан танлаб ва туғри фойдаланиш тупрокнинг хайдов катламини зичлаштирмасдан чигитни экишга сифатли тайёрлашни таъминлайди.

Экиш олдидан тупроққа ишлов бериш бевосита чигит экиш олдидан ёки ундан 5-10 кун олдин ўтказилади. Тупрокнинг холатига караб куйидаги тадбирлар амалга оширилади: шурланмаган, бегона ўтлардан нисбатан тоза майдонлар бир вақтнинг узида мола тиркаб бороналанади. Бегона ўтлардан тоза майдонларни экиш олдидан текислагич агрегатлар ёки мола ёрдамида текислаш кифоя килади.

Юқори даражада бегона ут босган майдонларда чизел-култваторларга тиркалган бороналар воситасида кўп йиллик бегона ўтлар илдизлари даладан тозалаб чиқарилади. Юзада қолган илдизлар эса қўлда теришиб, даладан олиб чиқилади ва ёкиб юборилади. Бегона ўтлар билан уртача ва кам зарарланган ерларда бороналаш билан ҳам уларни йўқотиш мумкин. Кейин, экиш олдида мола босилади. Айрим майдонлардаги нотекисликларни бартараф этиш учун пардозлаш моласи ўтказилади.

Экиш олди ишлари ва чигит экиш мавсумини туман ва вилоятлар шароитида қисқа (7-10 кун) муддатда, сифатли ўтказиш чораларини кўриш лозим.

***Чигитларни экишга тайёрлаш.*** Унувчанлиги 90-95 фоиздан кам бўлмаган уруғик чигит экилгани маъқул деб ҳисобланади.

Экишга тайёрланган чигитларни намлашга катта аҳамият бериш керак. Намланган чигит тупроқдаги намлик етарли бўлмаганда ҳам унинг униб чиқишига қулай шароит яратиб берса, намлик ортиқча бўлганда эса чиришининг олдини олади. Чигитни намлаш ишлари табақалаштирилган ҳолда амалга оширилади. Тукли 1 тонна уруғик чигитни намлаш учун 600 литр сув сарфланади. Чигитни намлаш ишлари олдиндан тайёрланган (асфалтланган ёки бетонланган) махсус майдончаларда ўтказилади. Майдончаларни бўйи 5-6 м, эни 2,5-3 м ва баландлиги 30-35 см катталиқда бўлиши мумкин. Бунда намлаш вақтидаги сув оқиб кетишининг олди олинади. Чигитни намлаш вақтидаги қалинлигини 20-25 см дан оширмаслик зарур. Намлаш 3 босқичда: биринчиси 3-4 соат, иккинчиси 4-5 соат, учинчиси 5-6 соатда ўтказилиб, 200 литрдан сув сарфланади, шундагина чигитнинг тулик ва сифатли намланишига эришилади, бу эса намлиги кам бўлган тупроқларда униб чиқишига ижобий таъсир этади. Намлаш билан биргаликда экиш олдида, ёки уруғик чигит тайёрлаш заводларида тукли ва туксиз чигитларга устирувчанлик хусусиятига эга биостимуляторлар Т-86 10 г/т, ТЖ-85 20 г/т, Нитролин 6-8 л/т, Унум 1,52,0 мл/т, Гумимакс 0,8-1,0 л/т, Витавакс 200 ФФ 5 л/т билан ишлов бериш, ноқулай об-ҳаво ва тупроқ

шароитда ҳам чигитнинг унувчанлигини оширади, илдиз тизимини бакуват ривожлантиради ва тупрокнинг табиий намлигидан унумлироқ фойдаланилади, ўсимликнинг ўсиш и ва ривожланишини тезлаштиради.

Чигитни намлашда махсус кийимлар билан таъминланган ишчилар бир бирига карама карши туриб, ёючли курак билан чигитни бетухтов аралаштириб туришлари керак. Чигит талаб даражасида намлангач, бир жойга тупланади ва димлаб куйилади.

Турли муддатларда экиладиган чигитнинг намлангандан кейин сакланиш муддати 12 соатдан ошмаслиги даркор. энг кулай муддатда ёки кечикиб экиладиган жойларда чигитни узоғи билан 18 соат саклаш мумкин, холос. Намланган ва талаб даражасида димланган уруғик чигит копларга солинади ва далаларга олиб борилади.

Уруғи намлашда бир кунда канча майдонга экиш, далага олиб бориш ва бошка ишларга кетадиган вақтлар ҳам ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

### **Чигит экиш**

Тупрокнинг 10 см чуқурликдаги ҳарорати уртача 12 даража булганда тукли чигитларни, 14 даража булганда туксизлантирилган чигитларни экишга киришиш мумкин. Чигит экишни макбул муддати Тошкент вилояти учун 5-15 апрел булиб ҳисобланади. Бу муддат об-ҳавонинг келишига қараб 5-10 кун эрта ёки кеч ўтказилиши мумкин.

Чигит экишни биринчи навбатда тез кизийдиган енгил, уртача қумоқ ва тез етиладиган майдонларда, кейин эса оғир тупроқларда ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Тупроқ ҳарорати паст булганда экилган чигитни бир қисми чириб кетади ва ниҳоллар сийрак ушиб чиқади.

Чигит механик таркиби оғр, секин кизийдиган тупроқларда 3-4 см, бошка тупроқларда 4-5 см чуқурликда экилади. экиш тулик тугатилган, деб ҳисобланиши учун далалар чети, симёюч ва укариклар атрофи қўлда экилган

булиши керак. Шундагина барча майдонларда тулик гектарлар хосил килинади.

Чигит экиш меъёрига алохида ахамият бериш даркор. Тукли чигит гектарига 45-50 кг экилганда, далада макбул кучат калинлигига эришилади.

Туксизлантирилган чигитларни гектарига 25-30 кг сарфлаб, намламасданекилади. Ғўзани кушкаторлаб экишни балл бонитети 30-40 ва 50 баллик текис, механик таркиби енгил ва урта тупрокларда, кўп йиллик ва бир йиллик бегона ўтлар камрок учрайдиган далаларга жорий этиш юқори самара бериши аникланди.

Ғўзани кушкаторлаб экишда ўсимликлар каторораларига тўғри жойлаштирилади, ғўза ғовлаб кетмайди. Қўшкаторларда одатда бир каторлаб экишга нисбатан туп сон тупрок унумдорлигини ҳисобга олиб, 20-30 фоиз, енгил ва шғалли тупрокларга 30-40 фоиз кучатлар кўп колдирилади. Кушкаторлар оралиғи 25-30 см килиб экилса, ғўзани биринчи ва иккинчи ишлов беришда кушкаторлар оралиғига ишчи органлар ёрдамида ишлов берилиши тупрокни юмшатади, натижада бегона ўт кам булади. Қўшкаторда сув 10-15 фоиз кам сарф булади.

Чигит кушкаторлаб экилганда пахта хосили 10-13 кун эрта очилади, етиштирилган хосил киска вақтларда йиғштириб олинади ва кузги буғдойни экиш учун шароит яратилади.

Чигит экишни макбул муддатларда, агротехник талабларга риоя қилган ҳолда ўтқазиш, ерга кадалган чигитни тупрокдаги нам ҳисобига ундириб олишни ва пахта майдонларида тулик нихоллар хосил этилишини таъминлайди.

### **Ғўзани озиклантириш**

Ғўзани минерал ўғитлар билан озиклантиришда, фосфорли ва калийли ўғитларни йиллик меъёрлари мулжалланган хосил учун белгиланган азотли

уғитларни йиллик меъёрларига (Н:П:К - 1,0:0,7:0,5) нисбатан олинади ҳамда тупрокдаги ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларига боғлиқ ҳолда табақалаштирилиб солинади.

Минерал ўғитларнинг меъёрларини белгилашда етиштирилган ҳосил миқдorigа, тупрок унумдорлигига, алмашлаб экишга, тупрок эрозияси ва шурланиш даражасига ва озика унсурларининг 1 тонна ҳосил учун сарфланиш миқдorigа эътибор бериш керак.

1 тонна пахта ҳосили учун урта толали ғўза навлари уртача 55-60 кг азот, 20-25 кг фосфор ва 50-60 кг калийни тупрокдан олади. Тупрок шароитини ҳисобга олинган ҳолда ҳар гектаридан белгиланган пахта ҳосилини етиштириш учун минерал ўғитларнинг қуйидаги миқдори тавсия этилади: 20-25 ц пахта ҳосили етиштириш учун соф ҳолда Н-150, П-105, К-75 кг, 25-30 ц пахта ҳосили учун Н-200, П-140, К-100 кг, 30-35 ц учун Н-250, П-175, К-125 кг, 35-40 ц учун Н-300, П-210, К-150 кг бўлса, тупрок шурланган ерларда азотли ўғит меъёри 10-15 фоиз оширилади, фосфор билан калийли ўғитлар агрохимкартограммалар асосида берилади.

Озиклантиришда ғўзани уртапишар ва бошқа навларига алоҳида аҳамият бериш керак. Фосфорли ўғитларни 60-70% шудгор остига ва қолган қисмини гуллашда берилса, калий ўғити шудгор остига 50% ва шоналашда 50% солинади, азотли ўғитлар экиш билан бирга 10%, 3-4 чинг барг чиқарганда 20-25%, шоналашда 35-40% ва гуллаш даврида 30% озиклантирилади.

Чигит экиш билан бир вақтда гектарига 45-60 кг аммиакли селитра, ёки 35-40 кг мочевина (карбомид), оддий суперфосфат 160-200 кг ёки аммофос 40-50 кг/га, суперфос 90-100 кг экиш чизигдан 5-7 см четга, 12-15 см чуқурликка солинади, қолган қисми эса шоналаш ва гуллаш даврида берилади.

Ќўзани биринчи озиклантиришда (2-3 чинбарг чиқарганда) гектарига соф ҳолда 40-50 кг азотли ўғитлар (аммиакли селитра - 120-150 кг/га, ёки мочевина 90-110 кг/га, ёки аммоний сульфат 195-240 кг/га) қулланилади.



Тупрокда фосфор кам (15-30 мг/кг гача) булган майдонларда азотли уғитлардан биринчи навбатда мочеви́на ва аммоний сулфат, фосфор билан юқори даражада (46 мг/кг ва ундан хам юқори) таъминланган майдонларда эса аммиакли селитра ишлатилса, уғитларнинг самарадорлиги янада ортади.

Нихолларни озиклантириш муддати кечиктирилса ғўзанинг ривожланиш даврлари чузилиб, хосилдорлик 2-3 ц/га ва толанинг сифатига салбий таъсир этиши илмий-тадқиқотларда исботланган.

Биринчи озиклантиришда уғитлар ўсимликнинг 15-18 см ёнига ва 10-12 см чуқурликка солинади. Агарда уғит белгиланган чуқурликдан чуқур солинса, нихолларни илдизлари хали унчалик ривожланмаганлиги учун тулик узлаштира олмайди ҳамда тупрокнинг куйи катламларига тушиб кетиб, биологик жараёнлар таъсирида исроф булишига олиб келади.

Шунингдек, фосфор ва калий уғитлар такчиллигини иноватга олган холда ноанъанавий агрорудалар - бентонит, глауконит лойкаларини гектарига 200-250 кг меъёрда солиш мақсадга мувофиқдир.

Ѓўзалар тула шонага кирган майдонларда гектарига соф холда 70-75 кг азот ва 30-50 кг калий бериш керак, бу эса гектарига 210-225 кг аммиакли селитра ёки 150-160 кг мочеви́на ва 55-90 кг калий хлорид тузини ташкил этади. Ѓўзани шоналаш даврида уғитларни ўсимликнинг 20-22 см ёнига, 12-14 см чуқурликка берилади.

Ѓўзалар гулга кира бошлаган пайкалларда азот ва фосфорли уғитлар берилиши керак. Бунда гектарига соф холда 70-75 кг азотни (аммиакли селитра 210-225 кг) ва 40-50 кг соф холда фосфорни (аммофос 80-100 кг ёки оддий суперфосфат 280-350 кг ёки супрефос 170-215 кг) ташкил килади. Усув давридаги озиклантиришни охириги муддати ғўза гуллай бошлашининг 10 кунига туғри келиши керак, бундан кечикса ғўзанинг ривожланиш даври чузилиб кетиши мумкин.

Ѓўзани озиклантиришда фосфорли ва калийли уғитлар кулланилмасдан факат азотли уғитлар солинса, кусакларни очилиши 15-20 кунга кечикиб,

хосил сифати пасаяди, улар орасидаги Н:П:К (1:0,7:0,5) нисбат бузилса, экиннинг касалликка чидамлилиги сусаяди, айникса калий уғити берилмаса, гуллаш ва кусаклаш жараёни бузилиб, хосил элементлари тукилиб, курғкчиликка бардошлиги пасаяди. Калий етишмаганда чигит йўлилик даражасини камайишига кучли таъсир этиб, тола сифати сезиларли даражада ёмонлашади. Ёўза усув давридаги озиклантириш ёўза гуллай бошлашини 10 кунга туғри келиши керак, бундан кечикса, ёўзанинг ривожланиш даври чузилиб, кусак хисобига йиғштириб олинадиган пахта хосили кўпайиб, биринчи нав пахта микдори ҳамда пахта хосили 2-3 ц/га камаяди.

Ертапишар ёўза навлари экиладиган майдонларда маъдан уғитлар билан озиклантиришда уртапишар навларга нисбатан озиклантиришни 5-10 кун эртарок ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Озиклантиришни кечи билан 5 июлда тугаллаш шарт.

**3-боб: Избоскан хирмони барака фермер хўжаликида янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари.**

**3.1. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологиялардан самарали фойдаланиш омилари.**

Қишлоқ хўжаигини иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида мамлакатимизда қабул килинган инқирозга қарши кураш чораларини қишлоқ хўжалигида муваффақиятли бажаришда қишлоқ хўжалигининг асосий экини ҳисобланган пахта етиштириш иқтисодий самарадорлигини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бу мақсадга эришишда эса пахтачилик иқтисодий самарадорлигига таъсир этувчи омилларни назарий ва амалий жиҳатдан узаро узвий боғлиқлигини ҳисобга олиш талаб этилади.

Фермер хўжалигини ривожлантириш учун унинг техника ва технология базасини талаблар даражасида шакллантирилиши лозим.

Пахтачилик ривожи ва унинг иқтисодий самарадорлиги қўп жиҳатдан янги технологиялардан самарали фойдаланишга кўпроқ боғлиқдир.

Янги қишлоқ хўжалик техникаларини кимёвий воситаларни, ёқилғиларни сотиб ёки ижарага олишлари, озуқаларни эса ўзлари ишлаб чиқаришлари мумкин ёки, бошқа корхоналардан ҳамда биржалар, аукционлар ёрдамида заводлардан сотиб олишлари мумкин.

Фермер хўжаликлари моддий-техника ресурслари базасини мустаҳкамлашда самарали йўллардан, усуллардан фойдаланишлари, камроқ харажат қилиб, кўпроқ фойда олишга интилишлари керак. Лекин бозор иқтисодиётига ўтиш даврида хўжаликларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашда айрим салбий ҳолатлар содир бўлмоқда.

Фермер хўжаликларни ривожлантиришда хўжаликнинг маблағлари эса етмайди. Сабаби – бир томондан, саноат маҳсулотларининг баҳоси қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг баҳоларидан жуда катта фарқ қилмоқда, яъни улар ўртасидаги эквивалентликка риоя этилаётгани йўқ, иккинчи томондан, қишлоқ хўжалик корхоналари сотаётган маҳсулотларининг ҳақини ўз вақтида ололмаётирлар, учинчидан эса тармоққа етарли миқдорда инвестиция сарфланаётгани йўқ. Бундай ҳолатга чек қўйиш учун республика ҳукумати томонидан сезиларли ёрдам берилмоқда. Бу ёрдам, инвестиция,

кредит шаклларида амалга оширилиб, улар ҳисобидан фермер хўжалик корхоналарининг модий-техника ресурслари шакллантирилмоқда.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда давлат статистика қўмитасининг маълумотлари бўйича, фермер хўжаликларда эски маркали тракторларнинг, комбайнларнинг, юк машиналарининг умумий сони сўнгги йилларда камайиб бормоқда. Ҳозирги вақтида кам қувватли хайдов тракторларининг ўрнига бақувват, зомон талабига жавоб берадиган тезюар Магнум тракторлари сони 3.5 мартага кўпайиб 2008-йилда 2124 тани ташкил этган. Магнум русмли хайдов тракторининг юқоридаги ижобий ҳислатлари билан биргаликда тупроқни юқори қатламини қотириш каби салбий ҳислати ҳам мавжуд. Лекин минг афсуски фермер хўжаликларда пахта ҳом-ашёсини машиналарча териш имконияти ниҳоятда пасайиб бормоқда. 2008-2010-йилларда республикада етиштирилган пахта ҳосилини 9-10%га яқини машиналарда терилган. Бундай ҳол фермер хўжаликларининг меҳнат унумдорлигини пасайишига, пахта ҳом-ашёсини таннарҳини ошишига олиб келмоқда, тармоқда мелиоратив техникаларнинг сони эса 4.5 марта камайган. Ҳозирги даврда кўпчилик фермер хўжаликларида бундай техникалар йўқ, бундай ҳол сўзсиз ерларнинг мелиоратив ҳолатига салбий таъсир кўрсатмоқда. Ғ. Хамидов фермер хўжалигида мавжуд техника ва технологияларини ҳам ишлаш жараёнида ҳам қуйидаги камчиликларга эгадир.

1-дан уларга зарур бўлган эҳтиёт қисмларининг етарли эмаслиги;

2-дан техникаларни тамирловчи устахоналарнинг камлиги ҳамда уларни тўлиқ жиҳозланмаганлиги;

3-дан тракторларни тамирловчи малакали тажрибали мутахассисларнинг камлиги;

4-дан тамирлаш учун маблағни етарли эмаслиги ва бошқалар.

Лекин юқоридагиларга асосланган ҳолда фермер хўжаликлар техника ва технологиялардан унули фойдаланиш имкониятлари чекланиб қолмоқда. Фермер хўжалигидаги мавжуд 1 та чопиқ, 1 та хайдов тракторини яроқлилиги ўртача ҳолда. Шунинг учун сўнгги йилларда фан-техника тараққиёти

натижасида бақувват, серунум, самарали техникаларни маълум миқдорда сотиб олиш имкониятлари мавжуд. Лекин янги техникаларни сотиб олиш имкониятлари фермер хўжаликларида чекланган. Бунга энг асосий сабаб деб, уларнинг сотиш нархларини юқорилигидир. Масалан, фермер 1996-йилда битта МТЗ-80 русумли тракторни 5.7тонна пахта хом-ашёсини сотишдан тушган пулга сотиб олган бўлса, 2008-йилда эса шу русумли тракторни сотиб олиш учун 79тонна пахта хом ашёсини сотиши керак. Яъни 13.6марта хом-ашёни кўп сотиши керак. Ҳудди шу русумли тракторни сотиб олиш учун 1996-йил 38.3 тонна буғдой сотиши керак эди, 2008-йилда эса 188.1тонна сотиши зарур. Яъни 4.9марта кўпроқ буғдой сотиши керак. Шундай ҳажмда пахта, буғдой етиштирадиган фермер хўжаликлари сони анча кам. Фермер хўжаликларида техникаларни сотиб олишда давлат катта ёрдам кўрсатмоқда. Масалан қишлоқ хўжалик техникаларини банкларнинг лизинг кредити ҳисобидан амалга ошириш кенг жорий этилган. Фермер хўжаликлари чет эл янги техникаларини ҳамда технологияларини кўргазмаларда тузилган шартномалар асосида сотиб олсалар, улар божхона тўловларидан озод этилади.

Избоскан хирмони барака фермер хўжаликдаги мавжуд ҳизмат кўрсатадиган тракторларни, комбайнларни сонини камалиги натижасида уларга тўғри келадиган майдон, яъни бажариладиган иш ҳажми ошди. Агарда 2006 йилда 1 та ҳайдов тракторига 157,5 га ҳайдаладиган ер тўғри келган бўлса, 2008 йилга келиб, 350 гектарни ташкил этган. Юқоридаги маълумот ва асосларга таянган ҳолда фермер хўжаликдаги мавжуд имкониятларни ҳисобга олиб етиштирилган пахта ҳосилини туман иқтисодий кўрсаткилар билан солиштирганимизда қуйдагижадвалда акс этирилган Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида 1ц пахта етиштириш таннарни Избоскан туманидаги ўртача кўрсаткичга нисбатан 102.4%ни ташкил этган. Ҳосилдорлик даражаси 33.3 ц/га ни ва туманга нисбатан 34.5%ни ташкил этмоқда. Шу билан бирга 1 ц пахтани сотиш баҳоси тумандаги ўртача кўрсаткичдан нисбатан юқори

бўлиб 104.9%ни ташкил этган. Рентабеллик даражаси эса туманда 8.4% бўлган бир вақтда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида 13.4% ни ташкил этмоқда.

**Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида пахта етиштириш учун меҳнат унумдорлигини Избоскан туманининг 2014 йилдаги ўртача кўрсаткичлари билан таққослама таҳлили**

| №  | Кўрсаткичлар                         | ўлчов<br>бирлиги | Избоскан<br>туманидаги<br>жами 213 та<br>фермер<br>хўжаликлари | Избоскан<br>хирмони<br>барака<br>фермер<br>хўжалиги<br>2014й, | Туманга<br>нисбатан<br>% |
|----|--------------------------------------|------------------|----------------------------------------------------------------|---------------------------------------------------------------|--------------------------|
| 1  | Екин майдони                         | Га               | 8350                                                           | 26,6                                                          | X                        |
| 2  | Хосилдорлик                          | ц/га             | 33,3                                                           | 34,5                                                          | 103,6                    |
| 3  | Ялпи хосил                           | Ц                | 278055                                                         | 917,7                                                         | 0,3                      |
| 4  | Ишлаб<br>чиқариш<br>ҳаражатлари      | м,с              | 22988000,0                                                     | 76103,2                                                       | X                        |
|    | Шундан иш<br>хаки                    | м,с              | 5747000                                                        | 31014,7                                                       | X                        |
| 5  | Ходимлар<br>сони                     | Нафар            | -                                                              | 15                                                            | X                        |
| 6  | 1ц пахтани<br>таннархи               | Сўм              | 80989,5                                                        | 82928,2                                                       | 102,4                    |
| 7  | 1ц пахтани<br>сотиш баҳоси           | Сўм              | 89597,8                                                        | 94010,8                                                       | 104,9                    |
| 8  | Ялпи маҳсулот                        | м,с              | 24913117,3                                                     | 86273,7                                                       | X                        |
| 9  | Фойда                                | м,с              | 1925117,3                                                      | 10170,5                                                       | X                        |
| 10 | 1га хисобига:<br>а) ялпи<br>маҳсулот | м,с              | 24904767,3                                                     | 86247,1                                                       | 0,3                      |
| 11 | 1 ходим<br>хисобига ялпи<br>маҳсулот | м,с              |                                                                | 5751,6                                                        |                          |
| 12 | Рентабеллик                          | %                | 8,4                                                            | 13,4                                                          | 159,6                    |

Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ошириш эвазига бир бирлик пахта етиштириш ҳаражатларини

камайтириш имкониятлари мавжуд. Бу эса иқтисодий самарадорликнинг ошишига бориб тақалади.

Пахта етиштириш самарадорлигини оширишнинг омилларидан бири хўжаликда минерал ва органик ўғитлардан илмий асосланган тавсияларга асосан фойдаланишга ҳаракат қилишдир. Ушбу тавсияларга риоя қилинганда ялпи ҳосил миқдори 20-22 фоизгача ортиши мумкин. Бундан ташқари хўжалик аъзоларининг ва маҳалла фуқароларининг уйларида органик ўғитларни чиқариб, хўжалик экин майдонларига солиш керак.

Пахта ҳосилининг турли касаллик ва зараркунандалар томонидан nobуд бўлишига йўл қўймаслик зарур. Шунинг учун ўсимликларни химоя қилиш хизматидан унумли фойдаланиш зарур.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлашнинг яхшиланиши пахта етиштиришда самарадорликни оширишнинг омилларидан бири ҳисобланади. Чунки ҳаражатлар таркибида техник хизмат кўрсатиш учун ҳаражатлар салмоқли 10-11 фоизни ташкил этмоқда.

Избоскан хирмони барака фермер хўжалигига уруғлик, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш материаллари ва банкдан кредит олиш бўйича тузилган шартномаларини янада такомиллаштириш, моддий ресурсларни хўжаликка етказиб берилишида узилишларга йўл қўймаслик чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур.

Хўжаликка мавжуд техника ва технологиялардан самарали фойдаланишни ташкил қилинмаганлигидан рентабеллик кўрсакичлари паст. Чунки моддий-техника ресурслари баҳоси юқори бўлиб, бу ўзига хос қийинчиликларни юзага келтирмоқда. Хўжалик сотаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳарид нархлари эса хўжаликни қониқтирмайди.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида самарадорликни 35-40% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган

пахта ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш дастурини тузиш тавсия этилади.

### **3.2.Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида янги технологиядан самарали фойдаланиш натижасида меҳнат унумдорлигини ошириш.**

Меҳнат фаолиятининг мақсади бирор натижага эришиш, масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишдан иборатдир. Ҳар қандай ходим ёки уларнинг гуруҳи учун натижа самарадорлиги, яъни вақт бирлиги – соат, кун, йил мобайнида ишлаб чиқарилган маҳсулот, кўрсатилган хизмат миқдори муҳим аҳамиятга эга. Бу натижа қанчалик юқори бўлса, унинг бирлигига сарфланган харажат, шу жумладан, хона, бино учун ижара ҳақи электр қувватидан фойдаланиш ҳақи ва шу кабилар шунчалик камроқ бўлади. Бинобарин, меҳнат унумдорлиги юқори, маҳсулот ҳажми кўпроқ бўлса, унинг харажатлари камроқ бўлади. Меҳнат самарадорлиги маҳсулдорлиги меҳнат кўрсаткичи билан ўлчанади.

Меҳнат унумдорлиги - ходимлар меҳнат фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичидир. У ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар миқдорининг меҳнат харажатларига нисбатан, яъни меҳнат харажатлари бирлиги ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулот билан белгиланади. Жамиятнинг ривожланиши ва унинг барча аъзолари фаровонлиги даражаси меҳнат унумдорлиги даражаси ва унинг ўсишига боғлиқдир. Бундан ташқари, меҳнат унумдорлиги даражаси ишлаб чиқариш усулини ҳам, ҳатто ижтимоий - сиёсий тузумнинг ўзини ҳам белгилаб беради.

Меҳнат унумдорлиги кўрсаткичи меҳнат самарадорлиги ва натижадорлигининг барча жиҳатларини акс эттирмайди, масалан, у меҳнат сифатини ҳисобга олмайди, бундан ташқари, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш зарурлигини ифодаламайди. «Меҳнат унумдорлиги» тушунчасига ўз аҳамияти жиҳатидан яқин, лекин мазмунан янада кенгрок



бўлган тушунча «меҳнат самарадорлиги» тушунчасидир. *Меҳнат самарадорлиги* энг кам меҳнат харажатлари билан юқори меҳнат натижадорлигига эришиш даражасини ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги меҳнат унумдорлигидан фарқли ўлароқ фақат меҳнатнинг миқдор кўрсаткичларини эмас, шу билан бирга сифат натижаларини ҳам ифодалайди. Меҳнат самарадорлиги кўрсаткичининг яна бир муҳим устунлиги унда меҳнат ресурсларини тежашнинг акс этишидир.

Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, иш сифати зарур даражада бўлгани ҳолда меҳнат харажатлари қанчалик кам бўлса, меҳнат самарадорлиги шунчалик юқори бўлади. Тадбиркор корхона эгаси учун вақт бирлиги ичида қандай ишлаб чиқариш даражасига эришилгани эмас, шу билан бирга у қандай меҳнат харажатлари билан таъмин этилгани ҳам муҳимдир. Меҳнат харажатлар ходимлар сони ва меҳнатга тўланган ҳақ харажатлари билан ўлчанади. Униси ҳам, буниси ҳам иш вақти билан ўлчаниши мумкин. Шунинг учун ҳам меҳнат самарадорлигини таҳлил қилганда вақт бирлиги ичида сарфланган меҳнат харажатлари ҳам, шу билан бирга унинг тузилиши ҳисобга олинган ҳолда ҳам қараб чиқилади.

Меҳнат унумдорлигини ҳисоблашда қуйидагиларни таъминлаш имконини берадиган услубиёт идеал ҳисобланиши мумкин:

- корхона ишнинг ижтимоий қадриятлар билан боғлиқлиги;
- ходимга рағбатлантирувчи таъсир кўрсатиш;
- меҳнат унумдорлигининг умумий ва хусусий кўрсаткичлари бир ўлчов билан ўлчаниши мумкинлиги;
- меҳнат миқдори билан сифати ўртасидаги боғлиқлик.

Ҳар қандай маҳсулот, буюм, хизматда жонли ва буюмлашган меҳнат жамланган бўлади. Бундай жами меҳнат туфайли моддий бойликлар яратилади.

Жамият ишлаб чиқарувчи кучлари ривожланиб борган сари жонли меҳнат моддийлашган меҳнатнинг тобора кўпроқ массасини қамраб олади. Натижада жами меҳнатда моддийлашган меҳнатнинг улуши кўпайиб борган

сари жонли меҳнатнинг улуши камайиб боради. Бу меҳнат унумдорлиги ошганлигининг асосий белгисидир. Ишлаб чиқаришнинг такомиллашиб бориши ва фан-техника тараққиёти меҳнат унумдорлиги ошишининг асосий шартларидир. Янги технологик жараёнлар, материаллар ва автоматлаштириш воситаларининг жорий этилиши меҳнатни механизациялаш даражасининг ортишига олиб келади. Бу кўрсаткични қуйидаги формула билан ифодалаш мумкин:

$$M_{\partial} = \frac{C_m}{C_y} \cdot 100\%$$

Бу ерда  $M_{\partial}$ - меҳнатнинг механизациялаш даражаси, %;

$C_m$ - механизациялашган меҳнат ходимлари сони;

$C_y$ - ходимларнинг умумий ўртача рўйхатдаги сони .

Механизациялашган меҳнат ходимлари жумласига ўз ишини машиналар ва механизмлар ёрдамида бажарадиган кишилар киритилади.

Меҳнатни механизациялаш (автоматлаштириш) даражасининг ортиши моддийлашган меҳнат улушининг ошганлиги ва жонли меҳнат сарфлашни кўпайтирмасдан туриб меҳнат унумдорлигини ошириш имкониятларидан далолат беради.

Меҳнат унумдорлигининг асоси бўлган меҳнатнинг унумдорлик кучи меҳнат унумдорлигининг айнан ўзи эмас: ҳақиқий меҳнат унумдорлиги яна иккита муҳим омилга - жонли меҳнатнинг энг муҳим кўрсаткичи бўлган меҳнат интенсивлигига (жадаллигига) ва иш вақтининг номинал фондидан фойдаланишга ҳам боғлиқ.

Меҳнат жадаллиги (интенсивлиги) – бу, жонли меҳнатнинг жиддийлиги ёки мураккаблиги даражаси бўлиб, иш вақти бирлиги ичида инсон асаб ва мускул қувватининг сарфланиши билан ўлчанади. Бунда инсон организмига салбий таъсир кўрсатмайдиган жадаллик ижтимоий нормал жадаллик ҳисобланади, сарфланган қувват овқатланиши, дам олиш ва ҳиссий енгилланиш ҳисобига тўлиқ тикланади.

Ҳисобга кўра, меҳнатнинг нормал жадаллиги даражаси текис юзада соатига 4,8 км тезлик билан кетаётган кишининг куч-қувват сарфлашига тенгдир. Нисбатан нормал муайян меҳнат жадаллигини ошириш меҳнатга ҳақ тўлашда тегишли даражада ҳисобга олишни талаб қилади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат жадаллиги билан бир қаторда иш вақти фондидан фойдаланиш даражаси билан ҳам боғлиқдир.

Иш вақтидан фойдаланиш ишланган вақтнинг, шу жумладан, ички смена дам олишга ажратилган тартибга солинган танаффус вақтининг мазкур ишлар тури учун белгиланган номинал вақт фондига (иш кунининг иш ҳафтаси, ойи ва йилнинг соат ҳисобидаги миқдорида) нисбати сифатида аниқланади. Бу кўрсаткичларнинг индекс алоқаси қуйидаги формула билан ифодаланади:

$$I_{\text{му}} = I_{\text{мжк}} I_{\text{ми}} I_{\text{увф}}$$

Бу ерда  $I_{\text{му}} = I_{\text{мжк}} I_{\text{ми}} I_{\text{увф}}$  - меҳнат унумдорлигига мувофиқ равишда меҳнат унумдорлиги кучи, меҳнат жадаллиги ва иш вақтидан фойдаланиш индекслари.

Агар техника, технология даражаси смена мобайнида 200 бирлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берган бўлиб, меҳнат жадаллиги ва иш вақтидан фойдаланиш индекслари тегишли равишда 0,95 ва 0,9 дан иборат бўлса, у ҳолда ҳақиқий меҳнат унумдорлиги 200 эмас, 171 бирликни (200. 0,95.0,9) ташкил этади.

«Унумдорлик» тушунчаси маҳсулотнинг ҳар қандай харажатларнинг турига ёки барча турларига нисбатини аниқ кўрсаткичларда ифодалаш учун қўлланилади. Статистик маънода унумдорлик дейилганда, ишлаб чиқариш натижаларининг фойдаланиш омиллари сарфларига нисбати тушунилади, у бошқача қилиб айтганда, харажат бирлиги тўғри келадиган ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмидир. Шунга кўра ишлаб чиқариш натижасини унинг барча ўлчаш мумкин бўлган омиллари мажмуига нисбатан ёки алоҳида гуруҳ омилларга нисбатан ҳисоблаш мумкин.

Шундай омиллар жумласига қуйидагилар киради: 1)сарфланган ишлаб чиқариш омилларнинг миқдори ва сифати (сарф самараси); 2)сарфланган омиллар миқдорларининг фойдаланилиши даражаси (фойдаланиш самараси); 3)ишлаб чиқариш омиллари комбинацияларининг миқдори (субституция самараси); 4)техника тараққиёти (техника самараси); 5)ишлаб чиқариш жараёни ташкил қилиниши (даража самараси); 6)алоҳида жараёнлар секторларнинг ёки харажатлар ёхуд маҳсулотнинг умумий миқдорида иштирок этиши (таркиб самараси); 7)алоҳида секторлар ва жараёнлар орасидаги ўзаро алоқалар даражаси ва таркиби (ўзаро алоқодорлик самараси).

## **ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР**

Фермер хўжаликлари бирламчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, айниқса давлат этиёжлари учун пахта етиштиришда бозор муносабатларига мос фаолият юритувчи энг самарадор мулк шаклига айланиб ривожланиб бормоқда. Чунки фермер хўжаликлари янги илгор технологияларни қўллаш

натижасида маҳсулот таннархини пасайтиришга, маҳсулот миқдорини оширишга, ўз меҳнати натижасидан манфаатдор бўлишга доимо интилади.

Фермер хўжалигида пахта етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ифодаловчи якуний кўрсаткич рентабеллик бўлиб, фермер хўжалигининг пахтачиликдаги фойдасини жами ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатини фоиз ҳисобида олинганидир. Дунё мамлакатларида кечаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг ҳозирги босқичида такрор ишлаб чиқаришни таъминлай оладиган оптимал рентабеллик даражаси 45-50%ни ташкил этиши мақсадга мувофиқдир.

Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида хўжалигида янги техника ва илгор тенологиялардан самарали фойдаланиш масалаларини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этиш асосида қуйидаги фикр ва мулоҳазаларга келдик:

1. Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг табиий-иқлим шароити пахта етиштириш учун қулай ҳисобланади.

2. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида иш юритишнинг ташкилий-иқтисодий асосларини яхши ўзлаштирилганлиги, қишлоқ хўжалиги техникасидан унумли фойдаланиши, охириги йилларда контракция шартномаларини тўлиқ бажараётганлиги, хўжаликда суғорма сувларидан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар, хўжаликни дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг меъёрдан ошмаганлиги ва буларнинг натижасида 20,2% лик рентабелликка эришаётганлиги ижобий натижаларни таъминламоқда.

3. Жумладан, Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида пахта етиштиришда 2013-2015 йилларда иқтисодий самарадорлик бир оз яхшиланган. Буни биз якуний иқтисодий самарадорлик кўрсаткичи бўлган рентабеллик даражасидан кўришимиз мумкин. Рентабеллик ошишининг омили – бу ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ўсганлигидир. Рентабеллик даражаси таҳлил этилаётган

даврда 10.6% дан 13.4%гача ўзгарганлигини кўйшимиз мумкин. Аммо бу кўрсаткич ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлай оладиган 30-35%лик даражадан анча пастдир.

4. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида ялпи маҳсулот ҳажмини ишлаб чиқариш ҳаражатларига нисбатан устун даражада ошириш эвазига бир бирлик пахта етиштириш ҳаражатларини камайтириб, иқтисодий самарадорликни ошириш имкониятлари мавжуд.

5. Хўжаликка етказиб берилаётган моддий ресурсларнинг баҳосини хўжалик етказиб бераётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эквивалент мутаносиб тарзда қайта кўриб чиқиши керак. Чунки моддий-техника ресурслари баҳоси ўта юқори бўлиб, бу ўзига хос қийинчиликларни юзага келтирмоқда.

6. Мамлакатда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверфикациялаштириш жараёнида фермер хўжаликларида маҳсулот таннархини янги замонавий технологиялар жорий қилиш ҳисобига камида 20%га камайтиришга эришиш зарур.

7. Хўжалик бошлиғи фермер хўжалигини ташкилий-иқтисодий асосларидан хабардор бўлган ҳолда ҳаражатларни оқилона тақсимлаш керак. Хўжаликка махсус маълумотли кадрларни ҳам ишга жалб қилиш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил октябрдаги фермер хўжаликлари ер майдонларини янада мақбуллаштириш тўғрисидаги 3287-фармон доирасида амалга оширилган тадбирлар натижасида Избоскан туманида фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштирилди. Ушбу жараёнда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг кўрсаткичлари ижобий баҳоланди. энди бу хўжаликни жадал иқтисодий ривожлантиришга эришиш зарур.

Юқоридаги барча чора-тадбирларни ўзида жамлаган ҳолда Избоскан хирмони барака фермер хўжалигида бир бирлик пахта етиштириш ҳаражатларини 15-20% гача камайтириш ҳамда иқтисодий самарадорликни

яна 20-22% гача ошириш мумкин. Бунинг учун юқорида тавсия қилинган тадбирларни ўзида жамлаган фермер хўжалиги ривожлантириш дастури тузиш тавсия этилади.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. - Т. Ўзбекистон 2003 йил.
2. Ўзбекистон Республикасининг ер Кодекси. Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 1-китоб. – Т.: 1999.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонуни. «Халқ сўзи». 2004 йил 27 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги қонуни Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари. 3-китоб. – Т.: 1999
5. Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни. 1998 йил 29 август.
6. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. Т.: 1996.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 мартдаги ПФ-3226 сонли фармони «Қишлоқда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида». Халқ сўзи. 2003 йил 25 март
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 27 октябрдаги «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги фармони. Халқ сўзи. 2003 йил 28 октябр.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги 476-сонли «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2003 йил 31 октябр.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги 607-сонли «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори. Халқ сўзи. 2004 йил 24 декабр.



11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 октябрдаги ПФ-4041 сонли «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 22.10.2008
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги ПФ-3077-сон «Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишда ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида»ги Фармойиши.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 22 октябрдаги "Фермер хўжаликлари тасарруфидаги ер участкалари майдонларини янада мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-3287 сонли Фармойиши.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарорида тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш ҳаражатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом».
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори (2003 йил 4 сентябр 383-сон).
16. И.А.Каримов «Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли». Т.: Ўзбекистон 1993 й.
17. И.А.Каримов «Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари Т., Ўзбекистон. 1995 йил
18. И.А.Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Т., Ўзбекистон, 1998.
19. И.А.Каримов. Барқарор тараққиётга эриш устивор вазифа. Т Ўзбекистон 1998.

- 20.И.А.Каримов «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» Т.: Ўзбекистон. 1995 йил
- 21.И.А.Каримов «Дехқончилик тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи» Т.: Ўзбекистон. 1998 йил
- 22.И.А.Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартарф этишнинг йўллари ва чоралари». Т.: Ўзбекистон. 2009 йил
- 23.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби» Халқ сўзи 14.02.2009 йил.
- 24.Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2009 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2010 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» Халқ сўзи 29.01.2010.
- 25.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2013 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси 18.01.2014 00:28
- 26.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2015-йилда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчил давом эттириш ҳисобидан хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш – устувор вазифамиздир маърузаси

27.Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси Қабул Қилинганининг 22-Йиллигига Бағишланган Тантанали Маросимдаги Маърузаси 05.12.2014

28.Қишлоқ хўжалигида ислохотларни чуқурлаштиришга доир қонун ва меъёрий ҳужжатлар тўплами. (1-2 қисм). Тошкент 1998 йил.

29.О.Зокиров, А.Пардаев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2005

30.О.Зокиров, А.Абдуллаев, Ш.Зокиров. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Андижон, 2002.

31.Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.

32.А.Абдуғаниев. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти. (дарслик). Тошкент, 2004.

33.А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.

34.Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.

35.Н.Ўронов. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси.- Т.: 2004.

36.Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Т.: 2004.

37.Е.Ж.Юсупов. Пахтачиликнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари. –Т.:2005

38.Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Мехнат» 1998 йил.

39.О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.

40.Ў.П.Умрзақов ва б. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:”Иқтисод-молия” 2007.

41.Ў.П.Умрзақов ва б. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежмент (дарслик). – Т.: 2009.

42. А.Абдуллаев ва б. Бизнес режа. – Т.: «Молия» 2002.
43. Б.Салимов ва б. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
44. Додобоев Ю.Т. ва б. Фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.: 2005 (Қувасой).
45. Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
46. Б.Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004.
47. [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
48. Избоскан туманидаги Избоскан хирмони баракафермер хўжалигининг 2013-2015 йиллардги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.
49. Ш.Зиёвутдинов. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (ўқув қўлланма). Тошкент, 2004.
50. Жўраев Ф. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқаришни ташкил этиш. (дарслик) . Т.: 2004.
51. А.Исмоилов, О.Муртазаева. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти (дарслик). Т.: 2002.
52. С.С.Ғуломов. Менежмент. – Т.: «Мехнат», 1997.
53. М.Шарифхўжаев, Ё.Абдуллаев. Менежмент. – Т.: «Молия», 2003.
54. А.Жабриев, Н.Зугуров. Менежмент. – Самарқанд: 2001
55. Б.Салимов, К.Ҳамдамов. Дехқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти (ўқув қўлланма) Тошкент 2004 йил. й.
56. Бакетт.М. Фермер хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш (дарслик) Тошкент «Мехнат» 1998 йил.
57. О.Олимжонов ва б. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. Т. «Университет», 2005.
58. Ў.П.Умрзақов ва б. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. – Т.:”Иқтисод-молия” 2007.
59. Ў.П.Умрзақов, А.Ж.Тошбоев, Ж.Рашидов, А.А.Тошбоев. Қишлоқ

- хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти. – Т.: “Иқтисод-молия”, 2009.
- 60.М.Мирзаабдуллаева. Фермер хўжалиги фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш. – Т.: Янги аср авлоди, 2010.
- 61.Ш.Шодмонов. Иқтисодиёт назарияси. – Т.2010.
- 62.А.Абдуллаев ва б. Бизнес режа. – Т.: «Молия» 2002.
- 63.Б.Салимов ва б. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
- 64.Р.Хакимов ва б. Агросаноат мажмуи иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004
- 65.Б.Салимов ва б. Қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси иқтисодиёти. – Т.:ТДИУ, 2004.
- 66.О.Яқубжонов. С.Турсунов. Ўсимликшунослик. -Т.2008
- 67.А.Хамидов. Қишлоқ хўжалиги машиналари. -Т. 1996
- 68.Андижон туманидаги Избоскан хирмони барака фермер хўжалигининг 2013-2015 йиллардаги бизнес режалари, йиллик ҳисоботлари ва бошқа маълумотлар.
- 69.[www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) – Ўзбекистон ОЎМТВ қошидаги электрон кутубхона.
- 70.[www.agro.uz](http://www.agro.uz) -Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги веб-сайти
- 71.[www.stat.uz](http://www.stat.uz) – Ўзбекистон Республикаси статистика давлат қўмитаси.